O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 24-yanvar, shanba • №4(3794)

# ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ: ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 22 январь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Аввало, мамлакатларимиз ўртасида 2004 йилда стратегик шериклик, 2005 йилда иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар имзоланиб, ўзаро ҳамкорликни олий босқичга кўтариш учун ҳуқуқий асос яратилганини таъкидлаш жоиз. Умуман, мамлакатларимиз ўртасида давлат ва ҳукумат даражасида турли йўналишлардаги ҳамкорлик масалаларини қамраган юз элликдан зиёд ҳужжат қабул қилинган.

Россия – Ўзбекистоннинг энг муҳим ва ишончли ҳамкорларидан бири. Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардан ташқари, коинот тадқиқотлари каби мураккаб йўналишларда ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Россия ҳам, Ўзбекистон ҳам муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этиш керак. Бу манфаатдорлик иқтисодий шериклик ва халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлашда, шу билан бирга, хавфсизликни мустаҳкамлаш, турли таҳдидларга қарши курашиш борасида ҳам намоён бўлади. Россиянинг жанубий ҳудудлари хавфсизлигини таъминлашда Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда асосий ўрин тутувчи Ўзбекистон ғоят муҳим аҳамият касб этади. Икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳам жадал ривожлантирилмоқда. Бу ҳамкорлик ҳарбий машқлар ўтказиш, кадрлар малакасини ошириш, ҳарбий техникани янгилаш ва замонавийлаштириш каби муҳим йўналишларни ўз ичига олади.

Давлатларимиз ўртасидаги алоқалар ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида ривожланмоқда. Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи бу фикрнинг ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистон ва Россия 2009 йилда ўз ташқи сиёсий фаолиятини Тошкент саммитидан бошлагани ҳам чуқур рамзий маънога эга. Бу муҳим воқеа Ўзбекистон ва Россияда икки томонлама муносабатларга алоҳида эътибор билан қаралишининг яна бир ифодасидир.

23 январь куни Дўрмон қароргоҳида Россия Федерацияси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Россиянинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Дмитрий Медведевнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Президентлар Ўзбекистон-Россия муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар. Стратегик шериклик ва иттифоқчилик ўзаро ҳамкорлик тараққиётининг муҳим омили экани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россиянинг сиёсий ва иқтисодий алоқалари жуда фаол ва кенг қамровга эга. Халқаро майдонда икки давлат бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Бу муайян масала ва муаммоларга қарашлар ўхшаш ёки яқин эканининг натижасидир. Сиёсий ҳамфикрлик Афғонистонда тинчлик ўрнатиш муаммосида ҳам, энергетик хавфсизлик борасида ҳам яққол намоён бўлади. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч қарор топган.

Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлик касб этгани ҳам муҳим омил бўлмоқда. 2008 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Россияга борди. Июнь ойида МДҲнинг Санкт-Петербургда ўтган норасмий саммити доирасида Ўзбекистон ва Россия Президентлари яна учрашдилар. Сентябрь ойида эса Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин Тошкентга келди.

Иқтисодий ҳамкорлик борасида Ўзбекистон ва Россия ишончли шериклардир. Ўзбекистон ташқи савдосининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади. 2008 йил якунларига кўра, бу борадаги кўрсаткич қарийб 4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистон экспортида саноат маҳсулотларининг, хусусан, автомобилларнинг улуши (жами экспортнинг 28,6 фоизи) ортиб бораётгани диққатга сазовордир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Россияга хизматлар (26,3 фоиз), мева ва полиз маҳсулотлари (16,3), табиий газ (11,3), тўқимачилик буюмлари (5,7), кимё саноати маҳсулотларини (4,1) экспорт қилади. Россиядан эса асосан ускуналар, ёғоч, қора ва рангли металлар, тиббиёт, микробиология ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар импорт қилинади. Аслида экспорт-импорт операцияларида қайд этиладиган товарлар ва хизматлар рўйхати янада катта ва хилма-хил. Масалан, Ўзбекистон Россия тўқимачилик саноати корхоналарига пахта толаси етказиб берувчи асосий экспортчи саналади. Ўз навбатида Россия Ўзбекистон автомобилларининг энг йирик импортчисидир.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведевнинг суҳбатида мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида кўп томонлама асосда ҳам ҳамкорликни изчил ривожлантираётгани қайд этилди. Президентлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини камайтириш борасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Шунингдек, Афғонистондаги вазият муҳокама қилинди.

Президентлар мулоқотни Ўзбекистон ва Россия расмий делегациялари иштирокида Оқсаройда ўтган кенгайтирилган таркибдаги музокарада давом эттирдилар. Унда асосий эътибор иқтисодий-сармоявий, гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Россия ўртасида сармоя соҳасидаги алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Сўнгги йилларда бу соҳада фаоллик кескин ошди. Масалан, ҳозир юртимизда фаолият юритаётган 786 Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг учдан бир қисми кейинги икки йилда тузилган. Россия томонидан бу корхоналарнинг низом жамғармасини шакллантиришга киритилган сармоя ҳажми бир миллиард АҚШ долларидан ошади. Ўзбекистонда Россиянинг 127 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Россияда ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 349 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон табиий газ қазиб олиш бўйича МДҲ мамлакатлари орасида учинчи ўринда туради, дунё бўйича эса етакчи ўнликка киради. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Россиянинг «Лукойл», «Газпром» каби йирик энергетик компаниялари ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Бундай энергетик ҳамкорлик замон талабларига мос, ҳар томонлама долзарб бўлиб, табиийки, ҳар икки томон манфаатларига хизмат қилади.

Яна бир муҳим соҳа – авиасозлик. Дунёда саноатнинг бу турини ўзлаштирган мамлакатлар саноқли. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ва Россиянинг авиасозлик соҳасидаги ҳамкорлиги ҳар жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамкорлик қўшма тадқиқотлар ўтказиш, илғор технологиялар ва тажриба билан ўртоқлашиш, биргаликда авиасозлик саноати маҳсулотлари савдоси ҳажмини ошириш имконини бермоқда.

Мамлакатларимизда янада юқори кўрсаткичларга эришиш учун улкан салоҳият мавжуд. Мутахассислар сармоявий ҳамкорликда қамров ва ранг-баранглик етишмаслигини таъкидлашади. Яъни, сўнгги 3 йил давомида Россиядан Ўзбекистонга киритилган тўғридан-тўғри сармоянинг 98 фоиздан ортиғи ёқилғи-энергетика мажмуи ва телекоммуникация соҳасига тўғри келади. Бундан шундай хулоса чиқадики, иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқларига ҳам, мазкур икки соҳада бўлганидек, сармоя фаол киритилса, сармоявий ҳамкорликка доир кўрсаткич бир неча ҳисса ортиши шубҳасиз.

Музокарада Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари фаол ва самарали ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган устувор йўналишлар кўриб чиқилди, сармоя соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, иш одамларининг икки мамлакат имкониятлари ҳақидаги маълумотини кўпайтириш учун миллий кўргазмалар, бизнес-форумлар ташкил этишни изчил давом эттириш, минтақалараро ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Томонлар гуманитар ҳамкорлик масалаларига ҳам тўхталдилар. Албатта, бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ришталари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ва Россия халқлари бир-бирининг адабиёти ва санъатини яхши билади.

Ўзбекистонда Рус маданият маркази фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда «Росзарубежцентр» ваколатхонаси ишлаб турибди. Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари очилган.

Спорт, сайёҳлик ва қатор бошқа соҳаларда ҳам алоқаларнинг кўламини кенгайтириш ва фаоллигини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Маданият, спорт, дам олиш, саломатликни тиклаш каби соҳаларга оид сайёҳлик борасида талай қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мумкин. Масалан, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари бўйлаб саёҳатлар ташкил қилинса, икки томон учун ҳам катта самара беради.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Россия Президентларининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик ваколатхоналарни жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш шартлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар очиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон-Россия муносабатларини янада ривожлантиришга, икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

– Россия Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ривожланиб бораётган муносабатларимизнинг мантиқий давомидир, – деди Ислом Каримов. – Россия Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий шеригидир. 2008 йилда жаҳонда иқтисодий вазият мураккаблашганига қарамай, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмининг кўрсаткичи ўзгаришсиз сақланиб қолмоқда. Биз кооперация алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сармоявий ҳамкорликни диверсификациялаш, халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқалар билан боғлиқ масалаларни, Афғонистон муаммосини муҳокама қилдик.

– Бугунги музокаралар ўзаро муносабатларимиз стратегик шериклик даражасида эканини намоён этди, – деди Дмитрий Медведев. – Давлат сиёсати манфаатдорлик ва ишонч омиллари асосида шаклланади. Бизнинг алоқаларимизда ана шу икки омил мавжуд. Ўзбекистон билан Россия ўртасида яхши, фаол ва кенг кўламли муносабатлар қарор топган. Стратегик ҳамкорликни ривожлантириш мумкин бўлган устувор соҳаларни кўриб чиқдик.

Россия Президенти трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехник иншоотлар барпо этиш масаласи тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб, бундай ҳолларда қўшни мамлакатлар билан келишиш, иншоотнинг экологик хавфсизлигини кафолатлаш, тегишли халқаро меъёрлар ҳамда қўшни давлатлар билан тузилган икки томонлама ҳужжатлар асосида иш тутиш лозимлигини таъкидлади.

Россия Президенти Дмитрий Медведев Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Олий мартабали меҳмон мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Дмитрий Медведев Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди. Россия Президентига ушбу олий таълим масканининг фахрий доктори унвони берилди.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Олий мартабали меҳмонни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатиб қўйди.

Шубҳасиз, мазкур ташриф асносида эришилган келишувлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойиллари асосида равнақ топаётган Ўзбекистон-Россия муносабатларини янги, янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

ТАДБИР

## ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

**Республика ИИВ Фахрийлар кенгашида йил якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Тадбирни кенгаш раиси, истеъфодаги генерал-майор Ғофуржон Раҳимов кириш сўзи билан очиб, ўтган йил давомида эришилган ютуқлар ҳақида гапирар экан, Тошкент, Жиззах ва Наманган вилоятлари ИИБ фахрийлар кенгаши томонидан амалга оширилган ишларни алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, йўл қўйилган баъзи камчиликлар ҳақида ҳам фикр юритди. Ёшларга устозлик қилиб, йўл-йўриқ кўрсатиш борасида фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди. Пировардида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда ногирон фахрийлар ҳолидан хабар олиш, имкон қадар моддий ёрдам бериш, байрамларда йўқлаб туриш ҳамда 2009 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида тўхталиб ўтди.

Йиғилишда ИИВ ШТБИХ бошлиғи ўринбосари, полковник Зикрилла Неъматов ёш авлодни тарбиялашда фахрийларнинг тутган ўрни, нечоғли аҳамиятли эканлигини таъкидлаб, вазирлик раҳбарияти номидан миннатдорчилик билдирди.

**Умида БОЛЛИЕВА.**

УМРИНГИЗГА БАРАКА



## ЯХШИ ИНСОН, МЕҲРИБОН УСТОЗ

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Фахрийлар кенгашининг раиси, истеъфодаги генерал-майор Ғафуржон Раҳимов яқинда табаррук 80 ёшга тўлади.**

(Бу ҳақдаги мақолани 6-бетда ўқийсиз).

## ЎЗБЕКИСТОН
## ҲАФТА ИЧИДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Россиянинг «Лукойл» очиқ акционерлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон компаниялари билан «Лукойл» ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди, қўшма лойиҳалар ижросининг бориши, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда кун тартибига киритилган қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилди.**

● Ўзбекистон Миллий Матбуот марказида «Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонунига шарҳ» номли китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мазкур қонунга шарҳлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси мутахассислари томонидан ёзилди. Унда соҳага оид муносабатлар билан боғлиқ меъёрлар амалдаги норматив-ҳуқуқий база ёрдамида муфассал шарҳланган.

● **Тошкентда БМТ Ривожлантириш дастурининг «Инсон ривожлантириш консепсияни ўрганиш орқали таълим муассасалари салоҳиятини юксалтириш» лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан мазкур халқаро ташкилотининг мамлакатимиздаги доимий ваколатхонаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси таълим дастурига янги махсус фан киритиш ва тегишли ўқув қўлланмалари чоп этиш режалаштирилган.**

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

## АНИҚ МАҚСАДЛАР САРИ

**Наманган вилояти ИИБда 2008 йил якунлари ва келгусидаги вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар атрофлича муҳокама қилинди.**

Йиғилишда вилоят ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Шукуржон Мадалиевнинг ўтган йилда ички ишлар ходимлари томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланди.

Нотиқ ва сўзга чиққанлар ички ишлар идораларини малакали мутахассислар билан тўлдириш, ҳар томонлама юксак, касбий тайёргарликдан ўтган ёшларни хизматга қабул қилиш, вилоятда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш асосий вазифалардан эканлигини таъкидлашди.

Тадбирда республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Ш. Икрамов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**
**майор.**

*Наманган вилояти.*

## ХАВФСИЗЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК – БОШ ВАЗИФА

**Сурхондарё вилояти ИИБ шахсий таркиби, соҳавий хизматлари мамлакатимиз жанубий сарҳадларида тинчлик, осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, намунали жамоат тартиби ўрнатиш борасида кенг кўламли оператив-қидирув ҳамда профилактик вазифаларни амалга оширмоқда. Айниқса, чегара ва чегараолди ҳамда тоғли ҳудудларда профилактик тадбирлар кучайтирилмоқда.**

Вилоят ИИБда бўлиб ўтган йиғилишда ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди ҳамда ички ишлар идораларининг 2008 йилдаги оператив хизмат фаолиятининг натижалари таҳлил этилди ҳамда жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Ахмедбаев иштирок этди.

**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ.**

*Сурхондарё вилояти.*

ҲИСОБОТ

## ТАНҚИДИЙ РУҲДА ЎТДИ

**Республика ИИВ ДЙҲХХ томонидан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида 2008 йил давомида амалга оширилган ишларнинг аҳволи ҳамда келгусидаги вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.**

Уни республика Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор А. Қўлдошев кириш сўзи билан очди ва ўтган йил давомида республикамизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, осойишталикни таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилганини эътироф этди. Шу билан бирга, йўл қўйилган айрим камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди.

Республика ИИВ ЙҲХББ бошлиғи, полковник Б. Эрматов сўзга чиқиб, соҳа ходимлари томонидан амалга оширилган ишлар хусусида тўхталиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида аниқ чора-тадбирлар белгилаб олиш лозимлигини таъкидлади.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Бош бошқарма мутасадди раҳбарларининг ахборотлари, ҳудудий ЙҲХБлари раҳбар ходимларининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда бир қатор бошқа долзарб масалалар бўйича ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

**М. ҲАСАНОВ,**
**подполковник.**

ЖАРАЁН

## МАРКАЗДА ҚЎШАЛОҚ ТАДБИР

**Яқинда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ кинолог ходимлар ва қидирув-хизмат итларини тайёрлаш марказида навбатдаги ўқув йиғини бўлиб ўтди. Унинг очилиш маросимида республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор А. Қўлдошев ҳамда ИИВ ППХ ва ЖТСББ бошлиғи, полковник У. Нарзуллаев иштирок этишди.**

Ўқув йиғинига республика ИИВ Қоровул қўшинлари, портловчи моддалар, портлатиш қурилмаларини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқотиш бўйича махсус отряди, вилоятлар ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ кинологлари жалб этилди. Тадбир чоғида из қидирув, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини, гиёҳвандлик воситалари ҳамда психотроп моддаларни излаб топиш каби мавзулар чуқур ўргатилди. Ўқув йиғинига пухта тайёргарлик кўрилганини алоҳида таъкидлаш керак. Замонавий видеопроекторлардан, махсус дарсликлардан, кўргазмали воситалардан самарали фойдаланилгани машғулотларнинг юқори савияда ўтилишига омил бўлди. Шу ўринда тингловчилар яшайдиган 60 ўринга мўлжалланган ётоқхона қайта таъмирланганини қайд этиб ўтиш керак. Умуман, Марказда кинологлар ва уларнинг тўрт оёқли ёрдамчиларини тайёрлаш, соҳа ходимларининг малакасини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Эртаси куни Марказда яна бир катта аҳамиятга молик тадбир бўлиб ўтди. Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган ушбу тадбирда педагогика фанлари номзоди А. Акмалов маъруза қилди. Хизматда ўзларининг изланувчанлиги, фидойилиги билан ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган бир қатор ходимлар Фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар. «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи аъзоларининг ашула ва рақслари байрам тадбирига янада файз бағишлади.

**Ш. СУЛЕЙМАНОВ,**
**капитан.**
**А. БЕКНИЯЗОВ,**
**катта лейтенант.**

## ТАЙИНЛАНДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот маркази бошлиғи, подполковник Абдуҳамид Хабирович ҲАКИМОВ.**



Абдуҳамид Хабирович Ҳакимов 1967 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1993 йилда Тошкент шаҳар ИИББ ахборот маркази ҳисоблаш марказининг муҳандиси лавозимидан бошлаган. 1996–2009 йилларда Тошкент шаҳар ИИББ ахборот марказ АМБ «Тошкент» бўйича хизмат қилиш бўлинмаси бошлиғи, ахборот маркази бошлиғининг ўринбосари – статистика бўлинмасининг бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

* * *

**Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, подполковник Машғулот Саъдуллаевич ҲАМДАМОВ.**



Машғулот Саъдуллаевич Ҳамдамов 1962 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1985 йилда Навоий вилояти Хатирчи тумани ИИБ моторлаштирилган взводи милиционери лавозимидан бошлаган. 1987–1997 йилларда Навоий шаҳар ИИБ участка инспектори, ЖТСХ инспектори, катта инспектори, вилоят ИИБ ТИБ катта инспектори, 1997–2009 йилларда вилоят ИИБ ЖСТХ бўлим бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи, ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони командири, Зарафшон шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

* * *

**Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари – жазони ижро этиш бўлими бошлиғи, подполковник Улуғбек Нарзуллаевич РАҲМОНОВ.**



Улуғбек Нарзуллаевич Раҳмонов 1969 йилда туғилган. Маълумоти олий, Самарқанд Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1992 йилда Қашқадарё вилояти ИИБ АТБ муассасаси туркум бошлиғи лавозимидан бошлаган. 1993–2009 йилларда Қашқадарё вилояти ИИБ АТБ муассасаси тезкор вакили, ЖИЭБ муассасаси катта тезкор вакили, муассаса бошлиғи ўринбосари, ЖИЭБ тергов ҳибсхонаси бошлиғининг ўринбосари, бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

**Транспортдаги ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати бошлиғи, подполковник Эркин Тўхтаевич ШОНИЁЗОВ.**



Эркин Тўхтаевич Шониёзов 1966 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент архитектура-қурилиш институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1994 йилда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционери лавозимидан бошлаган. 1995–2009 йилларда республика ИИВ Моддий-техника ва ҳарбий таъминот бошқармаси муҳандис-инспектори, инспектор тафтишчи, катта муҳандис-инспектори, ИИВ Ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати молия-иқтисод бошқармаси эксперти, бўлим бошлиғининг ўринбосари, бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ бошлиғининг ўринбосари – Молия-режалаштириш бошқармаси бошлиғи, майор Абдуҳамид Рашидович РАСУЛОВ.**



Абдуҳамид Рашидович Расулов 1971 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1998 йилда ИИВ ЖИЭББ молия-режалаштириш бошқармаси инспектори лавозимидан бошлаган. 1999–2009 йилларда ЖИЭББ МРБ ҳисобхонасининг катта методологи, Марказий омборхона бўлим бошлиғи, муассаса бош ҳисобчиси, МРБ бош ҳисобчиси ўринбосари, ҳисоблаш бўлими бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи, ИИВ Молия-иқтисод бошқармаси бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

* * *

**Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати бригадаси учинчи батальон командири, майор Даврон Абиджанович ХОЛИҚОВ.**



Даврон Абиджанович Холиқов 1972 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1996 йилда республика ИИВ ИҚБ ҳарбий қисми ҳайдовчи-ходими лавозимида бошлаган. 1997–2009 йилларда ИҚБ ҳарбий қисм катта йўриқчиси, клуб бошлиғи, Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси йўриқчи-командири, шаҳар ИИББ Штаби инспектори, ҲООБ инспектори, ППХ бригадаси 4-батальон отряд командирининг ўринбосари, командири, батальон командирининг ўринбосари – штаб бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

ҚОНУНЧИЛИКНИ ЎРГАНАМИЗ

# МАҚСАД – МАҲКУМЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

**Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий мақсади биринчи навбатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишнинг мукаммал ва кафолатланган тизимини яратишдан иборат. Бу ўринда, жазо тизимининг қай даражада белгиланганлиги, жиноий жазоларнинг қанчалик одиллиги муҳим аҳамият касб этади.**

Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг одилона, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклигига алоҳида эътибор қаратилган. Жиноий жазоларнинг ўрнатилишида жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши ҳам ҳисобга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган жазо турлари ичида «ахлоқ тузатиш ишлари» жазосининг ҳам жиноят қонунчилигининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда, энг аввало, маҳкумларни қайта тарбиялашда аҳамияти катта. Шу сабабли Жиноят кодексида мавжуд бўлган 467 та жиноят таркибидан 186 таси бўйича ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиши мумкинлиги белгиланган. Ҳозирги кунда судланганларнинг 40 фоизга яқинига ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилишида «Ахлоқ тузатиш ишларининг жиноий жазо тури сифатида қўлланилиши самарадорлиги»ни ўрганиш бўйича ўтказилган назорат-таҳлил якунлари муҳокама этилди. Унда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилиги жазо тизимида кўзда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, маҳкумлар ва бошқа шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Масалан, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2006 йил давомида жами судланганларнинг 34,6 фоизига, 2007 йилда 36,6, 2008 йилнинг олти ойи давомида 36,7 фоизига ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони бу жазонинг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштириш амалиёти ҳам амалга ошириб келинмоқда. 2006 йил ижрога олинган ҳужжатлар бўйича маҳкумларнинг 30 фоизини озодликдан маҳрум қилиш жазоси ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган шахслар ташкил этган бўлиб, 2007 йилда бу кўрсаткич 49 фоиз, 2008 йилнинг олти ойи давомида 87,5 фоизни ташкил этган.



Юқоридагилар мамлакатимиз жиноят қонунчилигида кўзда тутилган жазо тизимлари ичида ахлоқ тузатиш ишлари жазосига нисбатан ҳамон самарали жазо тури сифатида қараб келинаётганлигидан далолат беради.

Қўмита мажлисида таъкидланганидек, ички ишлар идораларининг жазони ижро этиш инспекциялари томонидан ахлоқ тузатиш тариқасидаги жазонинг ижросини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг талаблари асосида таъминлаш чоралари кўрилган. Жумладан, маҳкумларни ўз вақтида рўйхатга олиш, уларга жазони ўташ тартиби ва шартларини тушунтириш, бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташ учун ўз вақтида ишга жўнатиш, маҳкумлар томонидан жазони ўташ шартларига риоя этилишини текшириш ва бошқа тадбирлар амалга ошириб келинган. Шу билан бирга, ўрганиш жараёнида мазкур жазо турини амалиётда қўллашда уни янада самарали ижросини таъминлаш учун кўрилаётган чоралар етарли эмаслиги ҳам маълум бўлди.

Суднинг ҳукмига мувофиқ ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилган маҳкумлардан жазони ўз иш жойларида ҳам ўташи мумкинлиги Жиноят кодексида кўзда тутилган бўлса-да, қонундаги бу имкониятдан етарли даражада фойдаланилмаган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, судлар томонидан бу жазога маҳкум қилинганларнинг бор йўғи 5-6 фоизигагина нисбатангина жазони ўз иш жойларида ўташ белгиланмоқда. Бу эса маҳкумларни ўзлари ишлаб турган жамоалардан ажралмаган ҳолда ахлоқан тузалиш имкониятини камайтирмоқда. Маҳкумлар томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан бўйин товлаганлик ҳолатлари йилдан-йилга кўпаяётганлиги кузатилаяпти. Жумладан, 2006 йилда жами ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганларнинг 5 фоизи жазони ўташдан бўйин товлаган бўлса, 2008 йилнинг олти ойи давомида бу кўрсаткич 7,1 фоизни ташкил этади.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаб турган маҳкумлар томонидан бошқа жиноятларни содир этиш ҳолатлари ҳам камаймаяпти. Биргина 2008 йилнинг ярим йиллигида бу кўрсаткич 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 23,2 фоизга ўсган. Бу ҳолат жазони ижро этиш инспекциялари томонидан маҳкумлар билан назорат-профилактик ишлар суст олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиши билан боғлиқ бўлган айрим нормаларини танқидий жиҳатдан яна бир бор ўрганиб чиқиш зарур. Чунки мазкур кодекснинг 46-моддаси ахлоқ тузатиш ишлари жазосини маҳкумларга олти ойдан уч йилгача бўлган муддатга тайинланиши мумкинлигини кўзда тутган бўлса-да, мазкур кодекснинг 74-моддаси тўртинчи қисмига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилганда юқоридаги тамойил бир мунча бузилмоқда, яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазоси уч йилдан кўпроқ муддатга ҳам тайинланмоқда. Қонун нормасидаги ушбу тафовутни тартибга солиш учун ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг бир гуруҳ аъзолари томонидан қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Шунингдек, қўмита йиғилишининг қарорига кўра ИИВ Жазони ижро этиш инспекцияларига:

ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро қилиш механизмини янада такомиллаштириш чораларини кўриши, бунда қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, демократизм, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш ва маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш принципларини таъминлаш;

ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган маҳкумларни ахлоқан тузатишда қонунда назарда тутилган воситаларни янада самарали жорий этиш чораларини кўриш, бунда маҳкум томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, шунингдек, маҳкумнинг шахси ва хулқ-атворини инобатга олиш;

маҳкумларнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш;

жазони ижро этиш инспекциялари ходимларини касб тайёргарлиги ва малакасини янада ошириб боришда қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия этилди.

Ундан ташқари Тошкент давлат юридик институти ва ИИВ Академияси раҳбариятига ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижроси билан боғлиқ муаммолар юзасидан илмий ва назарий тадқиқотлар олиб боришни такомиллаштириш тавсия этилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, жазо тизимида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси белгиланиши, бу жазо турини маҳкумларга нисбатан қўлланилиши натижасида, маҳкумни оиласидан, жамиятдан ва ижтимоий фойдали меҳнатдан ажратмаган ҳолда жамоатчилик таъсир чораларини қўллаш мумкин бўлади. Шу орқали унинг хулқ-атвори назорат остига олиниб, ахлоқан қайта тарбияланади. Энг муҳими, маҳкумнинг қарамоғида фарзандлари бўлса, улар ҳам ота-она назоратидан четда қолмайдилар. Шу сабабли жиноят содир этган шахсга бу жазо турининг тайинланиши жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатади.

**Фахриддин КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.**

## ЖАҲОН АЙВОНИДА

### ИНАУГУРАЦИЯ МАРОСИМИ

Барак Обама Америка Қўшма Штатларининг 44-президенти лавозимини эгаллаши муносабати билан Вашингтонда махсус инаугурация маросими бўлиб ўтди. Унда Обама қасамёд қабул қилди. Янги президент ўз нутқида молиявий инқирозни бартараф этиш, ишчи ўринларини яратиш ҳамда АҚШнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратишини айтиб ўтган.



### МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ ТУФАЙЛИ

Қувайт Ташқи ишлар вазирлиги раҳбари шайх Муҳаммад ал-Сабоҳнинг маълум қилишича, дунёда кузатилаётган молиявий инқироз туфайли араб мамлакатлари 2,5 триллион АҚШ доллари миқдорида иқтисодий зарар кўрган. Бунга асосан хорижий инвестицияларнинг қадрсизланиши ҳамда нефть нархининг кескин тушиб кетиши сабаб бўлган.

### ПОЛИЦИЯЧИ АЁЛЛАР

Швеция миллий полиция академиясининг 39 йиллик тарихи мобайнида илк бор ўқишга аёллар эркакларга нисбатан кўп қабул қилинди. Стокголмдаги ўқув биносига 77 эркак ва 81 нафар аёл ташриф буюрган.

### ОПЕРАЦИЯ ЯКУНЛАНДИ

ИТАР–ТАСС ахборот агентлигининг хабар беришича, Исроил армияси Ғазони тарк этаётгани туфайли минглаб аҳоли юртига қайтмоқда. Қарийб 25 кун давом этган операция оқибатида мингдан ортиқ фаластинлик ҳалок бўлди. Тўрт минг уй вайронага айланиб, электр энергияси ва сув тақчиллиги юзага келган. Исроил расмийлари эса 13 нафар аскар ҳалок бўлиб, юзга яқини турли даражада тан жароҳати олганини маълум қилган.

### ОСМОНЎПАР МИНОРА

Дубайда «Dubay Burji» минораси барпо этилди. Баландлиги 818 метрга тенг 155 қаватли ушбу бино дунёдаги энг баланд иншоот номини олди. Унинг расмий очилиш маросими жорий йилнинг 9 сентябрида бўлиб ўтади.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

УМРИНГИЗГА БАРАКА

# ЯХШИ ИНСОН, МЕҲРИБОН УСТОЗ

**Ички ишлар вазирлиги биносига юзларидан нур ёғилиб, атрофга мамнуният билан боққанча, аста қадам босиб келаётган отахонни кўрган каттаю кичик қўли кўксида саломлашиб ўтяпти. У кишининг қўлини олиб, дуосидан баҳраманд бўлганларнинг кўнгли равшан тортади. Отахон ҳамма билан бирдай самимий саломлашиб, қаддини ростлаб турган йигитларга қараб:**

**– Тани-жонларинг соғ бўлсин, мартабанглар баланд, доим бардам бўлинглар, – дея дуо қилади.**

**Кўз олдингизга ким келгани аниқ. Ҳа, бу ўзбек милициясининг оқсоқолларидан бири, бутун умрини ички ишлар хизматига бағишлаб келаётган фидойи инсон, истеъфодаги генерал-майор Ғафуржон ака РАҲИМОВ.**

Мен шоир, ёзувчи ёки журналист бўлмаганим учун Ғафуржон ака тўғрисида баландпарвоз сўзларни ишлата олмайман. Аммо унинг фидойи инсон, самимий дўст, меҳрибон устоз эканлигини билганимча ёритишга ҳаракат қилдим.

Инсон умрини дарёга ўхшатишади. Ҳақиқатан ҳам инсон болалиги ирмоқ, жилғадек ўйноқи бўлади. Кейин бирлашиб, тошдан-тошга урилиб ўсмир каби шўх-шодонга айланади. Навқиронлик даврида эса бутун борлиқни қамраб олгудек шовуллаб оқаётган сойни эслатади. Пировардида борлиққа оби ҳаёт улашадиган сокин дарёга айланади.

Ғафуржон аканинг болалик, ўсмирлик даври Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган. Ота-оналан эрта етим қолган болани холаси ўз тарбиясига олади. Уруш йилларидаги қийинчиликлар тўғрисида ёзсангиз адо бўлмайди. Ҳали суяги қотмаган болалар, ўсмирлар урушга кетган отаси, акаси ўрнига заводга борган, далага чиққан. Ғафуржон ўн тўрт ёшда Андижон шаҳридаги «Ватан учун» тикувчилик корхонасида ишлашга мажбур бўлади.

Ғафуржон ака бот-бот тинчликнинг қадрига етинглар, халқимизни уруш балосидан асрасин, дейди. У гарчи жангоҳларда қон кечмаган бўлса-да, ота ёки ўғилдан қора хат олиб, фарёд чеккан оилаларни кўп кўрган. Жигарбандидан айрилган кишиларнинг дарду аламларига гувоҳ бўлган.

Урушдан кейин тўрт йиллар чамаси тикувчилик корхонасида ишлайди. Тошкентга милиция мактабига йигитлар жўнатилаётганини эшитгач, бахтини синаб кўриш мақсадида пойтахтга йўл олади. Тошкентдаги бошлиқлар таркибини тайёрлаш милиция мактабида ўқиш билан ички ишлар идораларидаги фаолиятини бошлайди. Ўқишни битиргач, озгина вақт пойтахт милициясида ишлаб, Андижон вилоятига йўлланма олади. Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш хизматида тезкор вакил сифатида ишга қабул қилинади.

Кичик лейтенант унвонидан генерал-майор даражасигача етиб боришни бир гап билан ифодалаш мумкин. Аммо босиб ўтилган йўлни таърифлаш учун иккиуч китобни ёзиб тўлдирса ҳам етмайди. Чунки ички ишлар ходимининг бир кунлик хизмати қандай бўлишини ўзимнинг салкам қирқ йиллик фаолиятимдан жуда яхши биламан.

Ғафуржон акани фидойи инсон дея таърифладим. Унинг олтмиш йиллик хизмати даврида бурчига садоқати, ҳар бир вазифа, топшириқни сидқидилдан бажариши бунинг исботидир. Фидойи хизматлари туфайли ҳам оддий ходимдан республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари лавозимигача кўтарилиб борган.

Ўтган асрнинг 50-60-йилларида Ғафуржон ака Раҳимов Андижон вилоятида кўплаб жиноятларни очишда жонбозлик кўрсатган. Тезкор гуруҳга бош бўлиб давлат мулкини талонтарож қилган шахсларнинг қилмишини фош этган.

Унинг раҳбарлик қобилияти ҳам намуна олгудек. Қўл остидаги ходимларни ишлата билиши, уларнинг тажрибаси, билими ва маҳоратидан фойдаланишнинг уддасидан чиқа олганини эътироф этмай бўлмайди. Андижон вилояти ИИБда бошлиқ ўринбосари, бошлиқ бўлган йилларда бутун мамлакатга ибрат бўладиган ишларни амалга оширган. Жойларда ички ишлар идораларини кенгайтириш, таъмирлаш, қўшимча хоналар қуриш, участка вакилларига алоҳида хоналар ажратиб бериш ташаббуси андижонликлардан чиққан эди. Бу ишга Ғафуржон ака бош-қош бўлган. Ички ишлар ходимидан хизматни талаб қилиш учун унга қулай иш шароити яратиб бериш лозим, албатта.

Ғафуржон ака тошқин дарёдай, яъни куч-қувватга тўлган даврида бутун билим ва маҳоратини ички ишлар хизматига, юртда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳар қандай жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўлида ҳалол хизмат қилди.

Ғафуржон акани самимий дўстлиги ҳақида ҳам ҳар қанча ёзса арзийди. У кишининг суҳбатидан баҳраманд бўлганларнинг барчаси яна бир учрашиб, чақчақлашсам дейди. Кексалар даврасида ўзини сипо оқсоқол, ўрта ёшлилар қаторида улфатлардай қадрдон, ёшлар орасида йигитлардек бардам тутиши, ҳар бир гапни дилдан айтиши билан даврада ўз ўрнини топади, файз бағишлайди.

Бир куни Ғафуржон ака билан Марғилонга бордик. Йўл-йўлакай у киши отангизни зиёрат қилиб кетайлик, дедилар. Ёши тўқсон бешга чиққан дадамнинг қулоқлари оғирроқ бўлгани учун у кишига Ғафуржон аканинг кимлигини имо-ишора билан тушунтирдим. Ҳовлида ўтирганимизда Ғафуржон ака маржондай терилган узумга завқ билан қарадилар.

Дадам ҳам узумларга боқиб:

– Э-э, бу ёшлар узумни билармиди, куч-қувватим бор, ўзим қарайман, – дедилар.

– Ток парваришини сиздан ўргансам бўларкан, – деди кулиб Ғафуржон ака.

Ғафуржон ака доим шундай ким билан учрашмасин самимий муносабатда бўлади.

Халқимиз устозни ота қаторида эъзозлайди. Буни изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, албатта. Ғафуржон ака ҳамон устозлари – генераллар А. Юсуфбеков, М. Султоновни ҳурмат билан тилга олади.

– Фарзандингни яхши кўриб эл корига ярайдиган инсон бўлишини истасанг, аямай ишлат деганлари ҳақ экан, – дея эслайди Ғафуржон ака суҳбатларнинг бирида. – Устозларим менга жуда қаттиққўллик қилишган. Ҳар бир топшириқни вақтида, бекаму кўст бажаришни талаб қилишарди. Кейинчалик устозлардан жуда хурсанд бўлдим. Чунки ёшлигимданоқ интизомли бўлишга кўникканим сабаб, кейин қийналмадим. Ҳар бир ишда ютуққа эришиш учун мустаҳкам интизом кераклиги тажрибада кўп марта ўз исботини топган.

Ғафуржон аканинг шогирдларини бутун мамлакатда, қўшни республикаларда ҳам учратасиз.

Ғафуржон аканинг ажойиб хислатларидан бири шогирдларга нисбатан меҳрибонлик. Бирор ножўя иш қилиб қўйган ходимни жазолашдан аввал унинг сабабини ўрганиб, кейин хулоса чиқаришга одатланган.

Ғафуржон аканинг оиласига кўпчилигимиз ҳавас қиламиз. Хоназм ая билан салкам олтмиш йилдан бери умргузаронлик қилишяпти.

– Ички ишлар ходимининг умр йўлдоши бўлиш осон эмас, – дейди Ғафуржон ака. – Менинг шу даражага етиб, узоқ умр кўриб юришимда рафиқамнинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, болалар тарбиясини тўғри олиб боргани, хизматимнинг қандайлигини тушуниб, зарур ҳолларда қўллаб-қувватлагани учун ундан миннатдорман.

Ғафуржон ака республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари лавозимидан нафақага чиққач, фахрийларимиз уни ўзларига раҳбар этиб сайладилар. Мана, ўн беш йилдирки, истеъфодаги генерал-майор Ғ. Раҳимов республика ИИВ Фахрийлар кенгашининг раиси.

Фахрийлар кенгаши айримлар ўйлагандек, бекорчи қариялар уюшмаси эмас. Ҳар биримиз юртда тинчлик, осойишталикнинг барқарор бўлиши учун кўп йиллик тажрибаларимизни ишга солишга ҳаракат қиламиз. Ҳозирги кунда кўплаб пенсионерларимиз маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида раҳбарлик қилишяпти. Қишлоқ, маҳалла фаоллари орасида ички ишлар идораларининг фахрийлари кўпчиликни ташкил этади. Бунда Ғафуржон аканинг алоҳида ўрни бор. Чунки у мамлакат миқёсида ўтказилган нуфузли йиғилиш ва мажлисларда ички ишлар идоралари фахрийларини жамоат ишларига жалб этиш ҳақида бот-бот гапириб, айнан фахрийларимиз фаоллик кўрсатаётган маҳаллаларда жиноятчилик кескин камайгани, ҳатто умуман содир этилмаётганини таъкидлаб ўтади.

Яна шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, МДҲ мамлакатлари Ички ишлар вазирликлари Фахрийлар кенгашлари раисларининг бир неча бор ўтказилган йиғилишларида республикамизда ички ишлар идоралари фахрийларининг тажрибаси эътироф этилиб, ўрганиш учун тавсия қилинган. Ғафуржон ака ана шу йиғилиш минбарларида туриб юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарор бўлишида ички ишлар идоралари фахрийлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганларини мисоллар билан айтиб ўтган.

Ғафуржон аканинг босиб ўтган ҳаёт йўлини азим дарёга қиёслагим келади. Ундан баҳраманд бўлганларнинг саноғи йўқ, албатта. Табаррук саксон ёшини қаршилаётган устозимиз, сафдошимизнинг яна кўп йиллар даврамизни тўлдириб юришини тилаймиз.



*Ғафуржон Раҳимов (ўртада) сафдошлари билан.*
**А. КЕНЖАЕВ олган сурат.**

**Ғуломжон ЙЎЛДОШЕВ,**
**ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари, истеъфодаги полковник.**

# POSTDA·TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР 26-yanvar – 1-fevral


«O'ZBEKISTON» ШАНБА, 22.05

**«Бетховен». Б/ф. Премьера.**



«YOSHLAR» ЯКШАНБА, 22.00

**«Такси-4». Б/ф.**



# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

### ҚЎЙ



Ҳафтанинг биринчи ярми режалаштириш учун қулай. Амалдор, юқори лавозимдаги инсонлар билан мулоқот қилиш фойдадан холи бўлмайди. Дўстлар маслаҳати ижодингиз ҳамда етакчилик сифатларини очишда, куч ва имконият топишда йўл очади.

### СИГИР



Буржларнинг жойлашуви билим олиш, дунёқарашни кенгайтиришнинг айни фурсати эканлигидан далолат бермоқда. Ўзгалардан кўмак кутмай, уларнинг қайси вазиятда қандай йўл тутганларига кўпроқ эътибор бериб, маслаҳатларига амал қилсангиз ютқазмайсиз.

### ЭГИЗАКЛАР



Омад онларини қўлдан чиқарманг. Хизмат мавқеингизнинг ошиши сизнинг тиришқоқлигингиз, режаларингизга боғлиқ. Баҳсли, мунозарали вазиятларни низолашув даражасига етказманг. Фарзандларингиз билан кўпроқ бирга бўлишга ҳаракат қилинг.

### ҚИСҚИЧБАҚА



Шахсий, ишхонадаги мавжуд барча масалаларни вазминлик ва хотиржамлик билан ҳал этишга ҳаракат қилинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида кўнглингиз хушламаган одамларнинг совға-саломларини олмасликни тавсия этамиз. Аммо севимли инсонлар қўлини қайтарманг.

### АРСЛОН



Саломатлигингиз борасида ғамхўрлик қилинг. Кийин деб ташлаб қўйган ишингизни осонгина бажаришингиз мумкин. Турмуш ўртоғингизнинг маслаҳатига амал қилсангиз ютқазмайсиз. Оиладаги ўзаро муносабатларни яхшилашга эътибор қаратиш лозим бўлади.

### БОШОҚ



Янги танишувлар, учрашувлар шунингдек, ижод ва спорт билан чуқурроқ шуғулланиш учун қулай бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярми сермаҳсул бўлади. Ҳамкасбларингиз сизнинг янги имкониятларингиз ва иқтидорингизни намоён қилишда ёрдам беришади.

### ТАРОЗИ



Оила аъзоларингиз, қариндошларингиз билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишнинг айни фурсати. Маиший муаммоларни осон ҳал қилиб, севимли ишингизга жадал киришиш имкони бор. Атрофдагиларнинг сизга эътибори кучайиб, учрашувга таклифлар тушиши мумкин.

### ЧАЁН



Савдо, нарса ёки ахборот алмашиш учун маъқул пайт. Ҳар бир мулоқот сизнинг кайфиятингизни кўтариб, дилхираликни тарқатишга хизмат қилади. Оилангиздаги муносабатларни яхшилаш ҳар жиҳатдан ўзингизга боғлиқ эканлигини унутманг.

### ЁЙ



Маблағ билан боғлиқ масалаларни осонгина ҳал этиш имкони бор. Моддий аҳволингизни яхшилаш учун қулай фурсат етди. Атрофингиздаги таниш ва нотаниш одамларнинг суҳбатларидан тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилинг.

### ТОҒ ЭЧКИСИ



Ўз устингизда ишлаш, билимларни ошириш, узоқ вақт бир жойда қолиб кетмаслигингиз лозим. Ҳаракат ва фақат ҳаракатгина сиз кутган натижаларга олиб келиши мумкин. Яқинларингизнинг қистов ва ундовларига эътибор бермай, етти ўлчаб, бир кесишни маслаҳат берамиз.

### ҚОВҒА



Ўзгаларнинг турмуш сир-асрорларини билишга қизиқмаганингиз маъқул. Ўзингизнинг хулқингиз, ташқи қиёфангизга эътибор беринг. Муомалангиз, кийинишингиз ва юриш-туришингизга янгилик киритишга ҳаракат қилганингиз маъқул.

### БАЛИҚ



Эски дўстларингиз билан учрашув кутилмоқда. Бу сизга завқ ва кўтаринкилик бағишлайди. Ҳафтанинг иккинчи ярми дам олиш учун қулай. Бегоналар билан мулоқот ғаройиб ҳиссиётларни уйғотади. Саломатликни сақлаш, мустаҳкамлаш ва тиклашга вақт ажратинг.

## «O'zbekiston»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 Миллий кино: «Осмондаги болалар-2».
7.50 «Болалик қўшиқлари».
8.00 «Ахборот».
8.30 ТВ - анонс.
«Болалар сайёраси»:
8.35 «Бизнинг кутубхона».
8.45 «Бинафшаранг шар». Б/ф.
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Минг бир ҳунар».
10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.20 «Ҳамон едимда...»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Иқлим».
13.05 ТВ - анонс.
13.10 «КиноТеатр».
13.35 Ҳинд киноси: «Биз елғиз эмасмиз».
16.25 ТВ - анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.30 «Дамбо». М/ф.
17.35 «Ҳаҗвия бисотидан».
18.00 ТВ - анонс.
18.05 Миллий кино: «Ўтов».
19.30 «Таҳлилнома». (рус).
20.05 ТВ - анонс.
20.10 Т/с «Денгиздан томчи».
20.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ - анонс.
21.50 «Заковат».
22.50 «Мўъжизалар мамлакати». Б/ф. Премьера.
00.30-00.35 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.35 Кўрсатувлар дастури.
00.40 «Минг бир ҳунар».
00.55 ТВ - анонс.
01.00 «Таҳлилнома». (рус).
01.30 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
02.15 «Заковат».
03.15 «Шарқ тароналари».
03.30 «Лангар».
04.00 «Таҳлилнома».
04.40 «Олтин мерос».
04.45 Миллий кино: «Қор кўйнида лола».
05.50 Тонгги наволар.

## «Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Тараннум».
7.40 «Ҳаёт сўқмоқлари».
8.00 «Тоҳир ва Зуҳра». Б/ф.
9.35 «Якшанба нонуштаси».
9.55 «Бобур хазинаси».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Жумонг». Т/с.
11.50 «Қиш хаёли».
12.00 «Болалар давраси».
12.30 «Эртаклар оламида».
13.55 «Тафаккур чироғи».
14.00 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
14.45 «Телетуҳфа».
14.50 «Соғинч қорлари».
15.00 «Митти фаришта». М/ф.
16.20 «Оловдан огоҳ бўл!»
16.40 «Камолот».
16.50 «Эверест».
17.25 «Навоий хазинаси».
17.30 «Зита ва Гита». Б/ф.
18.40 «Қорли наволар».
18.50 «Мафтункор замин».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.00 «Давр». Ҳафта якуни.
19.30 «Телба». Б/ф.
21.10 «13-студия».
21.30 «KINOMANIYA».
22.00 «Такси-4». Б/ф.
23.30 «Юрт тинчлиги».

## «Тошкент»

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!» Кунгилочар, информацион-мусиқий дастур.
8.30 Бизнес-»Пойтахт».
8.35 Т/с «Эсмеральда».
9.00 «Телекурьер - маркет».
9.15 «Анонс».
9.20 «Ягонамсан, Тошкентим!»
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Афиша».
9.50 «Интервью».
10.00 «Мусиқа SMS».
10.20 «Анонс».
10.25 «Тошкент-2200».
10.30 «Пойтахт» (рус).
10.40 «Анонс».
10.45 Индийское кино: «Красавица Лакнау». 1-2-я серии.
14.00 «Мысли вслух».
14.05 «Телекурьер-маркет».
14.20 «Анонс».
14.25 Фильм-детям: «Золотой компас».
16.15 «Истеъдод».
16.35 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан : «Менинг шаҳрим».
16.55 «Телекурьер - маркет».
17.10 «Жозиба».
17.30 «Анонс».
17.35 «Монте Карлода цирк».
18.25 «Саргузаштлар ороли».
18.50 «Нима учун?»
19.35 «Анонс».
19.40 «Телекурьер-маркет».
19.55 «Тошкентда латифа».
20.00 «КИНОТАКДИМ».
20.25 «Анонс».
20.30 «Открытая дверь».
21.00 «Мысли вслух».
21.05–23.05 Кино SMS со звездами:». Привидение». «У зеркала два лица». «Двойной просчет».

## «Sport»

8.00 «Хабарлар».
8.20 «Қувноқ стартлар».
9.00 «Хабарлар». (рус).
9.20 Футбол. Евро – 2008. Испания - Россия.
11.00 Биатлон.
11.40 «Шижоат майдони».
12.40 – 13.00 «АВТОграф».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Тайм аут».
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уик-энд».
19.35 Теннис. Австралия очиқ чемпионати.
20.30 «Профринг».
21.30 «Талқин».
22.00 Интерфутбол.
23.35 Лыжный спорт.
00.25 Футбол. Чемпионат Италии. «Лацио» - «Милан».
02.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## «Первый канал»

6.00, 10.00, 12.00, 18.00 Новости.
6.10 «Кого ударит молния».
7.05 Фильм «Сцены из семейной жизни».
8.30 Армейский магазин.
9.00 «Соловки. Место силы».
10.20 «Непутевые заметки».
10.35 «Пока все дома».
11.25 Фазенда.
12.10 Док. фильм.
12.55 «Екатерина Максимова. Великая».
14.00 Комедия «К-9: Собачья работа».
15.50 «Фамилия. Ширвиндт».
17.15 «Новые песни о главном».
19.20 Фильм «Плесень».
21.00 «Время».
22.00 «Последний герой: Забытые в раю».
23.15 Комедия «Крутая компания».
1.10 Комедия «Любовь на острове».
2.40 Боевик «Игра без правил».

## «Россия»

5.30 Мультфильмы.
5.50 Фильм «Дело «пестрых».
7.40 Сам себе режиссер.
8.30 Утренняя почта.
9.05 «Сто к одному».
9.55 Парламентский час.
10.45 Интронизация Святейшего Патриарха Московского и всея Руси.
14.20 Местное время.
14.55 «Честный детектив».
15.25 «Владимир Винокур. Своим голосом...».
16.15 Фильм «Золушка из Запрудья».
18.15 «Смеяться разрешается».
20.00 Вести недели.
21.05 Специальный корреспондент.
21.35 Фильм «Караси».
23.40 Фильм «Сдвиг».
1.50 Триллер «Темный лес».
3.30 «Владимир Винокур. Своим голосом...».
4.20 «Городок».
4.50 «Ха». Комедия.

## НТВ

5.25 Фильм «ЛАВИНА».
7.10 Мультфильмы.
7.30 «Дикий мир».
8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Сегодня.
8.20 Лотерея «Русское лото».
8.45 Их нравы.
9.25 Едим дома.
10.20, 20.25 Чрезвычайное происшествие.
10.50 «Quattroruote».
11.25 Авиаторы.
12.00 Дачный ответ.
13.25 Комедия «Я СЧИТАЮ: РАЗ, ДВА, ТРИ, ЧЕТЫРЕ, ПЯТЬ...».
15.05 Своя игра.
16.25 Борьба за собственность.
17.00 Т/с «ЗАКОН И ПОРЯДОК».
19.55 Чистосердечное признание.
21.00 «Главный герой».
22.00 Боевик «ОГОНЬ ИЗ ПРЕИСПОДНЕЙ».
0.00 Боевик «БРАТ ЯКУДЗЫ».
2.10 Комедия «БЕЗУМНЫЕ ДНИ».
3.45 Т/с «ЗАКОН И ПОРЯДОК».
4.30 Т/с «БЛЭЙД».
5.15 Т/с «БЕЗ СЛЕДА-5».

## ТВ 3

8.00 Мультфильмы.
11.00 Х/ф «КИТАЙСКІЙ СЕРВИЗЪ».
13.00 Т/с «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА».
15.00, 23.00 Т/с «ЗВЕЗДНЫЙ КОРАБЛЬ ГАЛАКТИКА».
1.00 Х/ф «ВАВИЛОН-5. СБОР».
3.00 Х/ф «ПОДСТАВА».
5.00 Т/с «ПЯТНИЦА 13-ОЕ».
6.00 Х/ф «ПРОКЛЯТИЕ-2».

## ТНТ

6.00 «ДРЕЙК И ДЖОШ». Т/с
7.00 Мультфильмы.
8.15, 5.50 «САША + МАША». Комедия.
9.00, 21.00, 1.40 «Дом-2. Город любви».
10.00 «Школа ремонта». «Операция «Прованс».
11.00 «Богатые и одинокие». Док. фильм.
12.00 «Похудей со звездой-2». Док. фильм.
13.00 «Смех без правил».
14.05 «В БЕГАХ» Боевик.
16.30 «ГРАФ МОНТЕ КРИСТО». Драма.
19.00, 23.00 «Женская лига: парни, деньги и любовь». Комедия.
20.00 «Наша Russia». Комедия.
22.00 «Комеди Клаб».
23.30 «Смех без правил». Юмористическое шоу.
0.35 «Убойной ночи».
1.10 «Секс».
3.05 «Необъяснимо, но факт».
4.00 «Возможности пластической хирургии».

## СТС

8.00 «НОЧНЫЕ ЯСТРЕБЫ». Х/ф.
9.55, 15.00 Мультфильмы.
11.15 «Самый умный».
13.00 «Галилео». Журнал.
14.00 «Снимите это немедленно!»
18.00 «6 кадров».
19.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
20.30, 22.00 Кино «ТРУДНЫЙ РЕБЕНОК».
23.45 «6 кадров».
0.30 «Смешнее, чем кролики».
1.00 «Хорошие шутки».
3.00 «Лавровая ветвь-2008».
3.55 Кино «БОЛОТНОЕ ЧУДОВИЩЕ».
5.45 Кино «ЛЕШИЙ».

## ДТВ

8.00 Клуб детективов.
8.55 Музыка.
9.00, 15.30 «Как уходили кумиры». «Евгений Мартынов».
10.00 Тысяча мелочей.
10.20 Медицинское обозрение.
10.30 Мультфильмы.
13.30 Фильм «ТРИСТА ЛЕТ СПУСТЯ».
16.30, 2.30/ф «БЕГИ БЕЗ ОГЛЯДКИ».
19.00 Судебные страсти.
21.00 «Брачное чтиво».
22.00 Х/ф «КРУТЫЕ: СМЕРТЕЛЬНОЕ ШОУ».
0.00 Детектив «C.S.I. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ НЬЮ-ЙОРК».
1.00 Детектив «ПРАВОСУДИЕ ДЕКСТЕРА».
2.00 «Брачное чтиво. Для взрослых».
5.00 Клуб детективов.
7.00 «Каламбур».

## 7 ТВ

7.00 Super-утро.
11.00, 12.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00, 6.00 «7 новостей».
11.05 Классика: NHL.
12.05, 4.05, 5.05 KOTV: классика бокса.
13.00 Game Sport.
13.10, 20.10, 23.10, 2.20 NBA Live!
13.30, 18.10, 22.40, 2.05 NHL. Ежедневный обзор.
13.40 Киберспорт.
14.00 X-Games.
15.00 Спортивные танцы. Международный турнир «Слава России».
16.00 Предельная глубина.
16.10 Море дайвинга.
16.30 Мир подводной охоты.
16.40 Основной инстинкт.
17.00 Под водой с...
17.10 Американский футбол.
17.40, 6.30 Wrestling: опасная зона.
18.30 X-treme 99,9.
19.30 Диалоги о рыбалке.
19.40 Бега и скачки.
20.30 Клуб покорителей пространства.
20.40 Motor World.
21.10 Картинг.
21.30 Off-Road Drive.
21.40 Диагноз: горы.
22.00 Вокруг света на фрегате «Паллада».
22.10 Volvo Ocean Race.
23.00 Свободный полёт.
23.30 Настольный хоккей.
23.45 Настольный футбол.
0.00 «24 часа Ле-Мана-2008».
1.05 Покер.
2.35 Ралли - рейды России.
3.05 Гандбол. Чемпионат России. «Звезда» (Звенигород) - «Лада-2» (Тольятти).
6.05 Только не это!
6.15 Outrageous and Courageous.

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# ИНСПЕКТОРНИНГ БИР КУНИ

**Профилактика инспектори, капитан Шукрулло Давлатов учун Ҳисор тоғ тизмалари багрида жойлашган, минг йиллар оша ўзининг майизи, шинниси ва ширин-шакар мевалари билан ном қозонган Хўжасоат, Ҳайрондара қишлоқлари, унинг ҳар бир хонадони, ҳар қарич ери қадрдон. Оқибатли, ориятли, меҳнаткаш, саховатли инсонлар билан ишлаш, уларнинг қувончу ташвишига шерик бўлиш, шу азиз одамлар тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, ҳаёти ва мол-мулки дахлсизлиги йўлида хизмат қилишни бахт, шараф, деб билади.**

Шукрулло Давлатов саҳарда уйғониб, кеч ухлайди. Чунки, иш кўп, вақт етмайди, гоҳида нонушта, тушликка ҳам фурсат тополмайди.

Бугун ҳам у барвақт йўлга чиқди. Қишлоқ гузарида анча турди. Одамлар ўз юмушлари билан овора. Улар билан қисқа салом-алик қилади. Энг муҳими, қишлоққа ким келиб, ким кетаётганини билиш. Бир оздан кейин кўча гавжумлашди, техника қатнови ҳам кўпайди. Туман марказидан келган таксидан тўрт нафар киши тушди. Иккитаси нотаниш эди. Маҳалла посбонига уларнинг кимлиги-ю, мақсадини кузатишни топширди.

Тўйда ичиб олиб уйида тез-тез жанжал кўтарадиган йигит бор. Тунов куни ҳам шундай қилибди. Бугун уни ички ишлар бўлимига олиб кетмоқчи эди. Аммо онаси ва хотини келибди.

— Умрингдан барака топкур, болам, бу гал кечиргин, шарманда қилма, — она инспекторга юзланди. — Энди ичмайди, тавбасига таянтирдик.

Келин ҳам:

— Болаларимизни ўйланг, шарманда бўлишади, отаси қамалган деб, — деди кўзига ёш олиб.

— Тузалса бўлди дейман-да, бирор ишкал чиқариб юрмасин, яна. Шуниси муҳим.

Паспортининг амал қилиш муддати ўтган йигит ҳужжатларини олиб келди.

— Майли ишингта бор, ўзим топшириб келаман. Тайёр бўлса оласан, — деди унга.

Шукрулло ишларини битириб яна қишлоққа қайтгач Хўжасоат фуқаролар йиғини раиси Юсуфхон Ҳакимов ва Мингчинор маҳалла оқсоқоли Ҳусниддин Истамов билан бирга қишлоқнинг энг кексаси, юз ёшни қоралаган табаррук отахонни йўқлагани борди.

Милиция таянч пунктига қайтганда уни Хўжасоат қишлоғидан келган фермер ва амнистия туфайли жазодан озод этилган йигит кутиб турарди. Ҳол-аҳвол сўрашишгандан кейин инспектор муддаога кўчди.

— Чори ака, илтимос, шу йигитга иш беринг. Шарт-шароитига қарашинг. Ишончни оқлайди, — деди.

Одатда муқаддам судланганлар, қамоқдан келганлар, жанжалкашлар билан ишлашга ҳамма ҳам рози бўлавермайди. Чори полвон эса мард, танти. Одамларга яхшилик қилади. Айб қилдими, юзига шартта айтади. Аммо ишчисини ҳеч кимдан кам қилмайди. Ўтган йили ҳам шундай бир йигитни ишга олган эди. Чиқишиб кетишди. Ҳозир у оиласини тиклаб олган. Капитан Давлатов шунинг учун Чори полвонга илтимос қилганди. Ахир кейин вақтларда бундайларни қўллаб-қувватламаса, улар яна эски одатини қўмсайди-да.

Профилактика инспектори, капитан Шукрулло Давлатовнинг хизмат фаолиятининг бир куни ҳақида фикр юритдик. Унинг ҳар бир куни халқ тинчлиги, осойишталиги, одамлар ташвиши ва қонунларга риоя этилишини назорат қилиш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш билан чамбарчас боғланган. У хизмат фаолияти давомида ўнлаб жиноятларни фош этди. Иккита милтиқ ва ўқ-дориларни ноқонуний тарзда сақлаб юрган киши қандай қилиб қўлга тушганини ўзи ҳам билмай қолди. Гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланиб, қанчалаб кишини йўлдан оздирган икки кимсани қўлга олиш учун узоқ бош қотиришди. Дастлаб барча уринишлар зое кетди. Аммо устакорлиги ва касбий маҳорати айёр, маккор гиёҳфурушларни қўлга олиш имконини берди.

Профилактика инспектори, капитан Шукрулло Давлатов самарали хизматлари учун «Жасорат» медали билан тақдирланганини дўсту биродарлари, яқинлари зўр қувонч билан кутиб олишди. Чунки, бу нафақат унинг, балки туман ИИБ шахсий таркиби хизматига берилган юксак баҳо эди.

**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

**Ғузор туманининг Амир Темур номли маҳалла фуқаролар йиғини шаҳардаги катта ҳудудни ўз ичига олади. Бу масканда беш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.**

Жорий йилда ёшларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 нафар янги оилага имтиёзли кредит берилди. Ўн беш нафар йигит-қизларга биржа билан ҳамкорликда иш ўринлари яратилди. Ёшларнинг иш ва ўқишдан кейинги вақтларини мазмунли ўтказишлари учун футбол, волейбол машғулотлари ташкил этилмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуқаҳҳор Раҳимов мана олти йилдирки, ушбу масъулиятли вазифада ишлаб келмоқда. Маҳалладошлари ишончи ҳамда ҳурматини қозонган Абдуқаҳҳор ака мазкур маҳаллада дастлаб посбон бўлиб фаолият юритгани бугунги кунда жуда асқотаётир. Сабаби, маҳалла ҳудудини яхши билгани учун иш жараёнида асло қийналмайди. Асосийси, одамлар унга ишонишади, яъни

# «ОДАМ БОРКИ, ОДАМЛАРНИНГ НАҚШИДИР...»

раисни ўзларига яқин олиб, бор дардлари-ю, муаммоларидан огоҳ этишади. Ҳудудда юзага келадиган ҳар қандай масаланинг ижобий ечим топишида раиснинг кўмакчилари доимо ёрдамга шай. Профилактика инспектори, катта лейтенант Зайниддин Мейлиев, посбон Шермат Эшнаев кечаю кундуз эл хизматига камарбаста. Ўзаро ҳамжиҳатлик яхши йўлга қўйилгани боис, маҳалла аҳли тинч-тотув, бир-бирлари билан иноқликда умргузаронлик қилишмоқда.

Дарвоқе, раис, истеъфодаги майор Абдуқаҳҳор Раҳимов йигирма йилдан ошиқроқ ички ишлар идораларида хизмат қилган. Асли касби олий маълумотли педагог бўлган А. Раҳимов қаерда ишламасин, ўз билими, иқтидори билан яхши ном орттирди. Хизматдан ажралмаган ҳолда ўрта-махсус милиция мактабида сиртдан ўқиди. Тажрибали ходим сифатида Деҳқонобод туманида уч йил профилактика инспектори вазифасида сидқидилдан хизмат қилди.

Яхши хизматлари учун муносиб тақдирланди. Иззат-икром билан нафақага кузатилган Абдуқаҳҳор ака ҳамон жамоадошлари билан бир сафда. Тажрибали мураббий сифатида ёшлардан касбий билимларини аямайди.

Беш нафар фарзандлари, бир этак набираларнинг бахту камолини кўриб яшаш, у кишининг қувончи. Абдуқаҳҳор акага ўхшаш нияти холис инсонлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

**Соҳибжамол АМИНОВА.**
*Қашқадарё вилояти.*

ФИДОЙИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

# ЁШЛАР БИЛАН ҲАМНАФАС

***Муроджон бугунги хизматни Далварзин қўрғонидаги касб-ҳунар коллежига ташрифдан бошлади. У ҳар ойда бу ерга келиб ўқувчилар билан учрашади. Яна бир томони безорилик қилиб, назоратга олинган М. Фирдавсни шу коллежга ўқишга жойлаштирган. Ҳар гал келганида унинг ўқиши, интизоми билан қизиқади.***

– Катта лейтенант Муроджон Мирзаев коллежга келганида нафақат Фирдавс, балки бошқа болалар билан ҳам ҳуқуқий мавзуларда суҳбат қилади, – дейди коллеж ўқитувчиси Карим Бердиқулов. – Инспекторимиз эринмай ҳар бир боланинг саволига жавоб беради, тушунтиради.

Дарвоқе, Муроджон Мирзаев Ангрендаги Тошкент вилояти педагогика институтида таҳсил олган. Болалар билан ишлашни яхши билади. Уларни тушунади, қалбига қулоқ тутади.

– Боланинг қалби беғубор бўлади. Шунинг учун боланинг қалбига эзгулик уруғларини сочиш, яхши сўзлар билан тўлдириш, орзуларига қанот бўлиш керак, – дейди катта лейтенант М. Мирзаев.

Муроджон Мирзаев Бекобод тумани ИИБ профилактика инспектори сифатида тумандаги Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида хизмат қилади. Кейинги икки йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик кескин камайди.

Унинг болалар билан ишлашдаги тажриба ва маҳоратини ҳисобга олган туман ИИБ раҳбарияти вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори лавозимига ўтказди.

Ўтган йили туманда вояга етмаганлар орасида жиноятчилик 40 фоизга камайди. Бу аввало, ВЕОҲООГ инспекторлари, жумладан, катта лейтенант М. Мирзаевнинг самарали хизматлари мевасидир.

– Туман халқ таълими, меҳнат ва ижтимоий таъминот, мудофаа ишлари бўлимлари билан ҳамкорликда тарбиявий ишлар олиб бораяпмиз. Янги йил учун яна янги режалар тузганмиз. Келажагимиз бўлган болаларнинг жиноят кўчасига кириб қолишларининг олдини олиш учун бор имкониятларимизни ишга соламиз, – деди катта лейтенант М. Мирзаев.

Муроджоннинг орзуси доим болалар даврасида бўлиш, уларни тўғри йўлга бошлаш, камолотга етишишлари учун хизмат қилиш эди. У ниятига етди, доимо болалар билан бирга.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**
*Тошкент вилояти.*

***Бундан йигирма бир йил муқаддам эгнига ички ишлар ходими либосини кийган йигитнинг ўз келажагини қандай тасаввур қилганини англаш қийин эмас. У танлаган касбига меҳр қўйиб, масъулият билан ёндашди. Амударё тумани ИИБда бўлганимизда биз ҳам бунинг гувоҳи бўлдик. Туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, майор Тулибой Ситхановни ҳамкасблари устоз сифатида ҳурмат қилишар экан.***

# КАСБИДАН КЎНГЛИ ТЎЛГАН ТУЛИБОЙ

– Ички ишлар ходими бўлиш ниятида ҳужжатларни тўлдираётган пайтимда баъзилар мени ниятимдан қайтаришга уринди. Тушкунликка тушиб, нима қилишимни билмай турганимда Тулибой ака қўлимдан тутиб, чўчимасликни уқтирди ва ҳужжатларимни расмийлаштиришга ёрдам берди. Ўша вақтда у киши ҲООБ бошлиғи лавозимида ишларди, – деди туман ИИБ бошлиги ўринбосари, капитан Эркин Сапарбаев.

1987 йили Бухоро педагогика институтини тугатиб, хизмат фаолиятини Амударё тумани ИИБ вояга етмаган ёшлар билан ишлаш инспектори вазифасида бошлаган ходим тиришқоқлиги ва намунали хизмати билан жамоада обрў-эътибор топди. Профилактика инспектори, ҲООБ бошлиғи, ЖТСБ ва ППХ катта инспектори, қўриқлаш бўлими бошлиғи лавозимларида самарали фаолият юритди.

Ўшанда кузнинг илк кунлари эди. Амударё қирғоғидан қирқ беш ёшлардаги эркак кишининг жасади топилди. Ўз ҳудудини яхши биладиган профилактика инспектори Тулибой Ситханов мурданинг шахсини аниқ айтиб берди. Қипчоқ овулида рўй берган бу мудҳиш воқеага саккиз кундан кейин ойдинлик киритилди. Тўққиз йилдан буён фарзандсизликнинг бош айбдори сифатида эри томонидан таҳқирлаб келинаётган Гулмира хиёнат кўчасига кириб, ўзидан ўн беш ёш катта Қурбанбой билан хуфиёна учраша бошлайди ва ундан фарзанд кўради. Оиладаги низо бартараф этилиб, она бўлиш бахтига муяссар бўлганидан аёл ниҳоятда шод эди. Афсуски, овулдаги бир тўйда яхшигина кайфи ошган Қурбанбой бемаъни қилиқлари туфайли аёлнинг укасидан танбеҳ эшитади. Шунда у ҳақорат қилади. Бунга чидолмаган йигирма уч ёшли йигит пайт пойлаб, унинг бошига темир бўлаги билан уриб ўлдиради, кейин мурда ва темир бўлагини дарёга ташлаб юборади. Ашёвий далилнинг аҳамиятини англаган профилактика инспектори Тулибой Ситханов ҳавонинг салқинлигига қарамай, сув тагидан темир бўлагини топиб чиқишга муваффақ бўлади. Аммо соғлиғига жиддий путур етади. Унинг кўзлари хиралаша бошлайди. У шошилинч равишда ИИВ Марказий госпиталига жўнатилади. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан Тулибой уч ойдан кейин яна сафга қайтди.

Фарзанднинг ота изидан бориши сулола шаклланишига асос солади. Туман ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, сафдор Хуршид Ситханов шу оддий ҳақиқатни рўёбга чиқарса ажаб эмас. Майор Тулибой Ситханов ҳар оқшом ишдан қайтганида жажжи невараларининг шўх кулгуси, эркаланишларидан чарчоғи ёзилади.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**



**Суратда:** *майор Тулибой Ситханов ўғли Хуршид билан.*

**Бахтиёр БОЛТАНИЁЗОВ олган сурат.**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# «ҚОРА ЗАНЖИР» УЗИЛДИ

Зерикканидан кўча айланишга чиққан Илмира дугонаси Лоланинг бир йигит билан суҳбатлашиб турганини кўриб қолди.

– Вой-й-й, Лола сенмисан? – қучоқ очиб дугонасини бағрига босди Илмира ўзини мунғомбирона тутиб. – Кўринмай қолдинг?

– Борман, дугонажон. Ҳозиргина сени эслаб тургандик. Бу йигитнинг исми Расул, ишончли дўстларимдан бири. Хуллас, унга героин керак.

– Қанча? – сўради Илмира йигитга бошдан-оёқ разм соларкан.

– Уч четок, – деди йигит Илмиранинг дангаллигидан суюниб.

– Топамиз, фақат ҳар битта ўрами беш минг сўмдан.

– Розиман, – деди Расул.

Улар таксига ўтириб, тўқимачилик фабрикаси олдида тушиб қолишди.

– Мени шу ерда кутиб туринглар, – деди Илмира атрофга олазарак назар ташларкан. – Биз зумда қайтаман.

Йигитдан пулни олган Илмира кўздан ғойиб бўлди. Бундай қалтис ишни гувоҳларсиз амалга оширишга устасифаранг аёл атрофга аланглаганча Хушнуд Гаданиёзовнинг эшигини қоқди. Доимий харидорига айланган Илмиранинг ташрифи хонадон соҳибида заррача шубҳа уйғотмади. У «мол»ни олгач, зудлик билан ортга – Расулнинг ёнига қайтди. Илмира қўлидаги героинни эндигина йигитга берганди, тезкор гуруҳ ходимлари уни қўлга олишди.

Ушбу жиноят иши юзасидан олиб борилган тергов жараёнида Боғот тумани марказида истиқомат қилувчи Хушнуд Гаданиёзов маҳалладошлари – Э. Даврон, А. Қаламбой, Ж. Нармухамед, Бешариқ қишлоғида яшовчи Х. Равшанлар ўзаро жиноий тил бириктириб, гиёҳвандлик олди-соттиси билан шуғулланишгани маълум бўлди. Уларнинг хонадонлари холислар иштирокида кўздан кечирилганида, кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддалари сотиш мақсадида сақланаётганлиги аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Боғот туман суди оғуфурушларнинг қилмишини атрофлича кўриб чиқиб, уларга нисбатан тегишли жазо тайинлади.

Ниҳоят бир-бирларига мустаҳкам боғланиб кетган «қора занжир» узилди. Кўплаб инсонларнинг ширин ҳаётини заҳарга айлантираётган жиноий гуруҳ «фаолияти»га чек қўйилди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Постда» мухбири.**

*Хоразм вилояти.*

# ҒИРРОМЛИК

**Ҳаётда мавжуд қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда ҳалол, пок яшаш керак. Акс ҳолда эл орасида кишининг юзи шувут бўлиб қолади.**

**Қизириқ тумани ҳокимлиги томонидан бир неча юз гектар суғориладиган ер тендер асосида фермер хўжалигига бериладиган бўлди. Ушбу танловга даъвогарлар сифатида қатор ташкилотларда ҳисобчилик ва бошқа лавозимларда ишлаган Яраш Чориев ва фермер хўжалиги раҳбари бўлган Жовбўри Зиёдуллаев бор эди. Номзодлар тендер комиссиясига тегишли ҳужжатлар тақдим этишга қатъий киришдилар.**

Жовбўри Зиёдуллаев белгиланган ер майдонини тендерда ютиб олишга ишончи комил эди. Ахир унинг иш тажрибаси, фермер хўжалигига қарашли техника воситалари, қолаверса, агрономлик мутахассислигини эгаллаганлиги ҳақидаги дипломи бор. «Рақибим мен билан тенглаша олмайди. Унинг иккита енгил машинасидан бошқа ҳеч вақоси йўқ» дея ўйлади Жовбўри.

Тендерда у ўйлагандек бўлмади. Яраш Чориев ғолибликни қўлга киритди. Шунда Жовбўри рақибининг ғирромлик йўли билан ғалаба қилганини, эътирози борлиги тўғрисида туман ҳокимига мурожаат этди.

Яраш Чориев тендер комиссиясига тақдим этган «Бўстон» қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан берилган маълумотнома, «Олим» фермер хўжалиги ҳисобида бўлган трактор ва бошқа техника воситалари бўйича текширув ўтказилди. Натижада қисмларга сочилиб ётган ҳайдов трактори туман давлат техника назорати инспекцияси томонидан «техник соз» деб топилганлиги аён бўлди. Қалбаки ҳужжатлар асосида ер майдонини қўлга киритган Я. Чориев ғолиблик шоҳсупасини Ж. Зиёдуллаевга бўшатиб берди. Аммо Ж. Зиёдуллаевнинг ҳам қинғирликлари ошкор бўлиб қолди. Унинг Қизириқ касб-ҳунар коллежининг агрономлик бўлимини тугатганлик тўғрисидаги дипломи сохта эканлиги аниқланди. У ушбу ҳужжатни билим даргоҳида директор ўринбосари вазифасида хизмат қилган М. Шукуровдан сотиб олгани фош бўлди. Сохта ҳужжатлар тайёрлаб, танловда иштирок этган Яраш Чориев ҳам, Жовбўри Зиёдуллаев ҳам эл-юрт олдида юзлари шувут бўлди.

Туман ҳокимлигининг ерни фермерларга бериш тўғрисидаги қарори бекор қилиниб, сохта маълумотлар ва қалбаки ҳужжатлар тайёрлаган ҳамда унда иштирок этган шахсларга нисбатан туман ИИБ ходимлари томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилди.

Тендерга қалбаки ҳужжатлар тақдим этган Я. Чориев, хизмат вазифасини суиистеъмол қилган туман давлат техника назорати инспекцияси бошлиғи Ш. Наврўзов, сохта агроном Ж. Зиёдуллаев ва дипломфуруш М. Шукуровга нисбатан айблов эълон қилинди.

Ҳукуматимиз, шахсан Юртбошимиз томонидан фермер хўжаликларига катта эътибор берилаётган бир пайтда айрим нопок кимсаларнинг ғирромликлари, жинояткорона ҳаракатлари кишининг дилини ранжитади.

**Азизжон ЗОКИРОВ,**
**лейтенант.**
**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**

*Сурхондарё вилояти.*

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

**«Қамчиқ» довонидан кунига минглаб транспорт воситалари ҳаракатланади. Ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, манзилларига эсон-омон етиб олишлари учун ички ишлар ходимлари томонидан туну кун хизмат ташкил этилган. Бироқ айрим нопок ҳайдовчилар мавжуд қонун-қоидаларга чап беришга уринишади.**

# ИҚТИСОДИЁТИМИЗ КУШАНДАЛАРИ

Довонда жойлашган «Наманган» ЙПХ масканида фаолият олиб борувчи ички ишлар ходимларига бир фуқаро келиб, «КамАЗ» автомашинаси ҳайдовчиси беш жуфт пайпоқни ўн минг сўмга сотиб олганини, пуллар қалбакига ўхшашлигини маълум қилди. Зудлик билан ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати ходимларидан иборат тезкор гуруҳ тузилиб, «КамАЗ» автомашинасини тўхтатиш чоралари кўрилди. Ҳайдовчи – Тошкент вилоятида яшовчи Даврон Маҳмуджонов бўлиб, ўзини бежо тутарди. Холис гувоҳлар иштирокида транспорт воситаси текширилганда, ўриндиқнинг орқа қисмига жойлаштирилган елим халтада кўп миқдордаги 1000 сўмлик купюралар борлиги фош бўлди. Жами 551 минг сўм бўлган пуллар ҳақиқатан ҳам қалбаки экан.

Ҳайдовчи қўлбола пулларни Қўқон шаҳрида яшовчи Илҳом исмли танишидан 300 минг сўмга алмаштирганини айтди. Наманган ва Фарғона вилоятлари ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ коррупция, рэкет ва товламачиликка қарши курашиш бўлими ходимларидан иборат тезкор-тергов гуруҳи аъзолари қалбаки пул ясаш билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш бўйича тадбирларни амалга оширишди. Даврон Маҳмуджоновга сохта пул берган Илҳом исмли шахсни аниқлаш бўйича Қўқон шаҳрида суриштирув-қидирув ишлари олиб борилди. Албатта, шу ўринда Фарғоналик ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатларига алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Уларнинг ёрдами ва изланишлари ўз самарасини бериб, сохта пул берган шахс Қўқон шаҳар Амир Умархон кўчасида яшовчи Илҳом Ҳакимов эканлиги маълум бўлди. У қалбаки пулларни Қўқон шаҳрида яшовчи Мақсад Аҳмедовдан қарзи эвазига олганлигини айтди.

Зудлик билан Мақсад Аҳмедовни қўлга олиш чоралари кўрилди. Мақсад бир неча йилдан буён Қўқон шаҳар Навоий кўчасида яшовчи Ҳамид Жалилов билан биргаликда қалбаки пул ясаб келгани аниқланди. Ҳ. Жалиловнинг хонадони текширилганда, далилий ашё сифатида компьютер жамланмаси ва жуда кўп миқдорда қалбаки пуллар топилди. Бундан ташқари, «ишбилармонлар» ноқонуний равишда транспорт воситаларига техник талон, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ишончномалар ва шунга ўхшаш ҳужжатларни ҳам қалбакилаштиришгани тергов давомида маълум бўлди.

Табиийки, аниқланган барча ҳолатлар бўйича тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун судларга тақдим этилди. Зеро, ҳар нарсанинг ҳисоб-китоби бўлганидек, яхши иш ҳам, ёмонлик ҳам жавобсиз қолмайди. Айни ўринда, юқорида баён этилганлардан келиб чиқадиган хулоса сифатида ҳаётда ҳамма нарсага ҳалоллик билан эришишга интилиш лозимлигини таъкидлаб ўтишни истардик. Ахир, давлат ҳамма соҳада айниқса, тадбиркорлик борасида барча имкониятларни яратиб бераяпти. Шундай экан, бу имкониятдан эзгу мақсадда фойдаланиш ўрнига шахсий манфаатини юрт равнақи, халқ фаровонлигидан устун қўйиб, эгри иш тутадиган иқтисодиётимиз кушандаларига қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари қатъиятлик билан фаолият олиб борадилар.

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**
**майор.**

*Наманган вилояти.*

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!

# «ҚАЙНОТАСИ»НИ ТАНИМАЙДИГАН «КУЁВ»

Андижон туманида яшовчи Отабек Абдуғафуровга қариндоши Санжар Халилов қўнғироқ қилди:

– Бухоролик уч нафар танишимга «Матиз» автомашинаси керак экан. Мабодо, ёрдам бера оладиган ошналарингиз йўқми?

Отабек агар шу ишда меҳмонларга кўмаклашиб юборса, мўмайгина даромадга эга бўлишини ўйлаб, «танишларим бор, суриштириб кўрайчи» дея жавоб берди.

Орадан бир-икки кун ўтсада, масала ижобий ҳал бўлмади. Аммо мўмай даромад топиш илинжидаги йигит шаштидан қайтмади. У пул топиш дардида ҳамма нарсага тайёр эканлигини исботлади. Отабек ўз мақсадини амалга ошириш учун қариндошлари – Санжар ва Азиз Халиловларни ишга солди. Бухоролик фуқаролар Б. Олим, О. Алишер, А. Ибодулло билан илк бора учрашган Отабек ўзини Андижондаги «Автотеххизмат» ёпиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг куёви, Азиз Халиловни эса ушбу ташкилот ғазначиси, деб таништирди. Меҳмонларнинг ишончига кириб олгач, Отабек компьютерда тайёрланган ясама ҳужжатларга сохта муҳр ва имзоларни қўйиб, фуқаролар билан «Автотеххизмат» ЁАЖ ўртасида шартномалар тузди. Асл нусхасидан деярли фарқ қилмайдиган сохта ҳужжатларга имзо чеккан мижозлар 37 млн. сўмдан зиёд пулларни санаб беришди.

Бухоролик фуқаролар тез кунлар ичида учта янги «Матиз» автомашинасига эга бўлиш умидида эдилар. Бироқ



айтилган фурсат етиб келса-да на машиналардан, на Отабекдан дарак бўлмади. Шундагина фирибгарларнинг тўрига илинишганлигини билдилар. Улар вақтни бой бермай, вилоят ИИБга мурожаат этиб, вазиятни тушунтиришди. Ички ишлар ходимларининг самарали хизматлари туфайли фирибгарлар қўлга олинди.

Фирибгарларга нима бўлди, дейсизми? Буни суд ҳал қилади.

**Ботиржон ИМИНОВ,**
**майор.**
**Саминжон ХУСАНЗОДА,**
**журналист.**

*Андижон вилояти.*

**ГИЁҲВАНДЛИК – ИЛЛАТ**

# БАҲОНАСИ ТОШ БОСМАДИ

**Дўстлик шаҳарчасида яшовчи С. Баҳром аввал ҳам бир неча марта гиёҳванд моддалар сақлагани учун қамалиб чиққанди. Ота-онаси, маҳалла кишилари олдида энди бу жиноятга қўл урмайман, деб сўз берди. Фермер хўжалигида ишлаётган Баҳром ҳалол пул топиш ўрнига яна осон яшаш йўлини ахтара бошлади.**

Бир куни далани айланиб юриб бетон ариқлар четида ўсиб ётган ёввойи нашаларни кўриб, кўзи қувнаб кетди. Кўпчилик олдида сўз берган Баҳром йигитлик ғурурини ҳам йўқотиб, кечқурун овлоқ жойлардаги ёввойи нашаларни йиғиштириб, уйига таший бошлади.

Баҳром ички ишлар идораси рўйхатида, жиноят қилишга мойил шахслар қаторида турганини яхши биларди. Доимий назоратда эканлигидан хабардор эди. Лекин заҳри қотилнинг «қимматли мол» эканлиги сабаб яна жиноятга қўл урди.

Биз уни Дўстлик шаҳрида Фарҳод исмли шахсга салкам ярим кило наша сотаётганда қўлга олдик. Уйида тинтув ўтказилганида кўп миқдорда ёввойи наша ўсимлигининг қуритилган барглари топилди. Чўкаётган одам хасга ҳам тирмашади деганларидек у турли баҳона излашга тушди.

– Бу ёввойи наша, – дея тўтиқушдек такрорларди у.

Ваҳоланки, экспертизада аллақачон ёввойи нашанинг ҳам ўткир оғу эканлиги исботланган.

Баҳромнинг қилмишини фош этишда профилактика инспектори, майор Олим Бобоев, тезкор вакил, лейтенант Фарҳод Эшалиев фаоллик кўрсатганини айтиб ўтиш жоиз.

**Жўрабой ЭРГАШЕВ,**
**капитан.**

*Жиззах вилояти.*

# ОҒУНИНГ ОХИРИ ҚАЙҒУ

**Яқинда наркотик моддалар билан боғлиқ иккита ишни тергов қилишимга тўғри келди. Гарчи айбланувчилар оғуни ўз эҳтиёжим учун сақлаганман, дея баҳона қилмоқчи бўлсада, гиёҳвандлик моддаларини уйда сақлаш жиноят эканлигини уларга эслатиб қўйдим.**

... Кечки пайт ишдан қайтган Ирина такасалтанг эрининг каровотда чўзилиб ётганини кўриб:

– Куни билан ётиб зерикмадингми, ҳовлидаги қорларни кураб қўйсанг бўларди, – деди жаҳл билан.

Бироқ Григорий миқ этмай ётарди. Унга яқинлашган Ирина қўрқиб кетди. Чунки эри қимир этмасди. Роса бўкиб ичибди-да, деган хаёл ўтди ундан. Унинг оғзидан бадбўй ҳид келарди.

– Наҳотки, у...

Хаёлига келган фикрдан ўзи қўрқиб кетди. Кейин секин бориб эрининг чўнтагига қўлини тиқди. Ёнидан яшил рангли модда солинган елим халтача чиқди. Гап нималигини тушунган Ирина ҳеч иккиланмай Ховос тумани ИИБга мурожаат қилди.

Холислар иштирокида ўтказилган текширувда Григорийнинг чўнтагидан 38,3 грамм марихуана топилди.

Иккинчи воқеа ҳам Ховос шаҳарчасида бўлди. Шаҳарчадаги Тинчлик маҳалласида яшовчи В. Дидаренконинг қадам олиши ўзгариб қолганини кўрган кишилар аввалига ҳайрон бўлишди. Одамлардан ўзини олиб қочиб, кўчада кам кўриналиган бўлиб қолганидан шубҳаланган маҳалла фаоллари ички ишлар ходимларига хабар бердилар.

Маҳалладошларнинг шубҳаси ўринли бўлиб чиқди. Унинг уйи холислар иштирокида кўздан кечирилганида, жавон ва ювиниш хонасидан ўткир ҳидли гиёҳванд моддасига ўхшаш кукунлар топилди. Суд-кимё экспертизасида текшириб кўрилганда, ушбу моддалар марихуана эканлиги аниқланди. 25 граммдан ортиқ оғуни сақлаётган В. Дидаренко жиноий жавобгарликка тортилди.

**Темир ҚУРБОНОВ,**
**катта лейтенант.**

*Сирдарё вилояти.*

**ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ**

# САРХУШЛИКНИНГ СЎНГГИ БЕКАТИ

**Ғарб файласуфи Ламенне «Анави киши қалтироқ қўллари билан стакандан нима ичаётганини биласизми?**

**У ўзининг, хотини ва фарзандларининг қувончи, кўз ёши ва ҳаётини сипқоряпти!» деган эди.**

**Бу гап илк бор айтилиб, оғиздан-оғизга, қулоқдан-қулоққа ўтганига жуда узоқ вақт бўлди. Аммо ҳанузгача ўз қадри ва аҳамиятини йўқотган эмас, йўқотмайди ҳам.**

**Ичкиликбозлик инсон умри, обрў-эътибори ва маънавиятининг ашаддий кушандасидир. Надоматлар бўлсинки, айрим иймони суст кишилар баъзан нафс хуружини ақл билан маҳв этолмайди, билиб-билмасдан маишат гирдобига шўнғийди. «Тинчлик», «дўстлик», «меҳр-оқибат» ва «фарзандлар камоли» учун кетма-кет кўтарилаётган қадаҳлар аслида нотинчлик, гайирлик, ўзаро ғанимлик тегирмонига сув қуяётганини, ўзимизни эса мислсиз андуҳу изтироб уммонига етаклаётганини сезмай қоламиз.**

... «Нексия» автомобили аслида Ўзбекистон туманининг Оқчангал қишлоғида истиқомат қилувчи Вали Эгамовга тегишли эди. У узоғини яқин, оғирини енгил қилиб турган «тулпор»ини Фурқат туманининг Жангкетмон қишлоғида яшовчи Маҳмуд Акбаровга сотди. Вали пулни санаб олишга олди-ю, аммо машинани янги эгасининг номига расмийлаштириб беришга кўп ҳам ошиқмади. Фақатгина нотариус орқали бир йўла уч кишига – М. Акбаров, Б. Алиназаров ва Ғ. Жўраевга ишончнома қилдириб бериш билан чекланди.

Уларнинг назарида ҳамма иш гўёки хамирдан қил суғургандек осонгина битди-қўйди.

Ғ. Жўраев машинага ўтириб, Фурқат тумани маркази – Навбаҳор қишлоғига келди. Иттифоқо шу ерда оғайнилари Сардор Қаҳҳоров ва Санжар Ғафуровни учратиб қолди. Анча вақтдан бери кўришмаган улфатлар «отамлашиш» мақсадида қўшни қишлоққа боришади. Дўкондан ароқ олиб, роса шакарғуфторлик қилишади. Ниҳоят учовлон чайқала-чайқала ташқарига чиқиб, виқор билан «Нексия»га ўтиришди. Аммо бу сафар жойлар бир оз ўзгарди. Машинани Ғайрат эмас, Сардор ҳайдади.

Машина «Жиззах-Қўқон» йўналиши бўйлаб елиб кетди. Аммо Сардор Сурпа қишлоғига кираверишда йўлнинг ўйдим-чуқур жойларини айланиб ўтиш асносида бошқарувни йўқотди. Машина кўз очиб-юмгунча чап томондаги пахта майдонига кириб кетиб ағдарилди. Оқибатда Сардор ва Санжар тан жароҳати олишди.

Хайриятки, умрининг гул фаслида ичкиликка ружу қўйган йигитчаларни Яратганнинг ўзи асради. Аммо етказилган моддий зарарни қоплаш ҳазил гап эмасди: мутахассислар пачоқланган автомобилни таъмирлаб, аввалги ҳолатига келтириш учун 8 млн. 133 минг 445 сўмлик маблағ сарфлаш лозимлигини айтишди.

Йўл-транспорт ҳодисаси содир этилишига сабабчи бўлган С. Қаҳҳоров ва Ғ. Жўраевга нисбатан тегишли маъмурий чора кўрилди.

**Раҳмонали ҚОСИМОВ.**

*Фарғона вилояти.*

# ҚИДИРИЛМОҚДА



Жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган, 1968 йилда туғилган, Тожикистон Республикаси фуқароси **Карим Буриевич Норматов** Самарқанд вилояти ИИБ томонидан қидирилмоқда. У Тожикистон Республикаси Хатлон вилояти Кабадиён туманида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, тепакал, сочи, кўзлари, қошлари қора, мўйловли.

**К.Норматовни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга бўлган фуқаролардан Самарқанд вилояти ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

* * *

**Жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган қуйидаги шахслар Сирдарё вилояти Сирдарё тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда.**



**Кайрат Насарбаевич Байбаруев.** 1973 йилда туғилган. Қозоғистон Республикаси Жанубий Қозоғистон вилояти Махтаарал тумани Т. Жайлабоев қишлоғида яшаган.

* * *



**Тоҳир Эсанович Беков.** 1972 йилда туғилган. Сирдарё вилояти Сирдарё тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги Янгиобод маҳалласида яшаган.

**Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Сирдарё тумани ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

# БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Андижон вилояти ИИБ томонидан 1975 йилда туғилган, Балиқчи тумани Ўрмонбек қишлоғи Бўз маҳалласида яшаган **Абдуқаҳҳор Алиевич Сотволдиев** қидирилмоқда. У 2008 йилнинг 10 декабрь куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 160-165 см, сочи қора, кўзлари катта, қошлари ёйсимон, пешонаси кенг.

**Кийимлари:** қора куртка, кўк катак кўйлак, оқ майка, қора шим, спорт трикоси, қора ботинкада бўлган.

**А.Сотволдиевни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан Андижон вилояти ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши Тошкент шаҳар ИИББ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи, полковник А. Эрназаровга онаси **ШОҲИДА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Жиззах шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор У. Наврўзовга падари бузруквори **САЪДУЛЛА** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби вазирлик ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, майор Азат Джадигеровга акаси, ҲООБ катта инспектори, капитан Ильхамбек Джадигеровга отаси **Бекпулат ДЖАДИГЕРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика ИИВ Бирлашган таҳририяти ва Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси жамоалари Тошкент шаҳар ИИББ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи, полковник А. Эрназаровга онаси **ШОҲИДА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Арнасой тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси катта инспектори, сержант **Шерзод НИЗОМОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги капитан **Юсуф БОЛТАҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи, полковник А. Эрназаровга онаси **ШОҲИДА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма ЙҲХБ катта инспектори, майор Шокир Сувоновга отаси **СУЮН** бобонинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Қарши шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, капитан О. Ўтагановга отаси **Нуржов ЎТАГАНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МЎЪЖИЗАГА КОН ОЛАМ

# ИНСОНДА ҚАНОТ ЙЎҚ, АММО...



**Одамзод азал-азалдан учишни орзу қилган. Дедал ва Икар ҳақидаги ривоят эсингиздадир. Эртаклардаги учар гиламлар, қанотли отлар, бир думалаб қушга айланган одамлар ана шу орзунинг ифодаси, акси эмасми?**

Баъзи бир тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, айрим одамлар ҳақиқатан ҳам парвоз қилиш хусусиятига эга бўлишган. Масалан, қадимги ҳинд қўлёзмаларида қайд қилинишича, рожаларнинг хазиналарини талаган ўғрилар уча олиш, яъни илмий тил билан айтганда, левитация хусусияти соҳиби бўлишган. Ёки йоглар ҳақидаги ҳикояларни эсланг.

Яқин ўтмишни олиб кўрадиган бўлсак, Жанубий Италияда 1603-1663 йилларда яшаб ўтган Иосиф Деза ўзининг ҳавога кўтарила олиш қобилияти билан донг таратган. У болалигидан ниҳоятда художўй бўлган. Диний беҳушлик ҳолатига тушиш учун ўзини турли қийноқларга дучор қилган. Кунларнинг бирида Иосиф Рим папаси Урбон VIII ҳузурига киради. У католикларнинг диний етакчисини кўрганидан шунчалик қаттиқ таъсирланадики, оёғи ердан бир метрлар узилиб, осмонда анча вақт муаллақ ҳолатда туради. Атрофидагилар уни зўрға ўзига келтиришади. Бундай ғаройиб ҳодисалар Иосифнинг ҳаётида юз мартадан ортиқ содир бўлган.

Яқинда нижегородлик журналистлар маҳаллий архив ҳужжатларида шунга ўхшаш ғайриоддий ҳодиса қайд қилинганини аниқлашди. Ҳужжатнинг гувоҳлик беришича, Россия империяси Нижегород губернияси Юрино қишлоғилик Пётр Кочетов ҳам левитация хусусиятига эга бўлган. У ҳарбий хизматни Бобруйск шаҳрида ўтаган – артиллерия снарядлари омборини қўриқлаган. Хизматдошларининг айтишича, Кочетов қиш кечалари кўйлакчан кўчага чиқаркан, қор устида ялангоёқ юравераркан. У бир сакрашда бир неча каравотни ошиб ўтган, мабодо бирорта аскарнинг устига бехосдан йиқилиб тушса ҳам, жангчи ҳеч қандай оғирликни ҳис этмаган.

Шу ўринда бир ҳайдовчининг ҳикояси эсимга тушди. Қишлоғимизда Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, контузия олган бир киши бўларди. Уруш асоратлари руҳиятига қаттиқ таъсир қилгани учун ўзи билан ўзи гаплашиб юраверарди. Баъзан «Батальон, олға!» деб бақириб қоларди. Шунинг учунми катталар ҳам, болалар ҳам уни ўз оти қолиб «Батальон бува» деб чақирарди.

Отахоннинг табиатида авлиёликдан ҳам жиндак бор эди, чамамда. Бундай деяётганимнинг сабаби, ўтириб-ўтириб томдан тараша тушгандай айтган башоратлари кўпинча кейинроқ амалга ошарди.

Хуллас, ана шу чол ҳақида бир ҳайдовчи қуйидагича ҳикоя қилганди: «Бир куни юк машинамда туман марказига кетаётган эдим. Қишлоқ гузаридаги бекатда ҳар доимгидек хуржунини елкасига ташлаб олганича турган Батальон бува «Мени ҳам олиб кет» дегандай ишора қилди. Шошиб турганим учунми ёки ҳар хил алмойи-алжойи гапларини эшитмай дебми тўхтамадим. Аниқ биламан, то кета-кетгунимча бирорта ҳам машина мени қувиб ўтгани йўқ. Туман марказига етиб борсам, не кўз билан кўрайки, пиёдалар йўлкасида Батальон бува кетаяпти-да. Елкасида ўша хуржуни. Кўзларимга ишонмай машинамни тўхтатиб, олдига бориб кўришдим. У наридан-бери сўрашиб, бири боғдан, бири тоғдан гапириб кўз қисиб қўйди-да, йўлида давом этди. Мен анча пайтгача ўша жойда серрайиб туриб қолдим. Сизлар ишонасизлармийўқми, ўзларингиз биласизлару, лекин мен Батальон буванинг авлиёлик хислати борлигига ишонаман».

Левитация ҳодисасининг табиати ҳақида турли олимлар турлича фикрда. Масалан, Гарвард университетининг квант механикаси бўйича мутахассиси, профессор Жон Хэгилин буни кўзбойлағичу луттивозларнинг найрангидан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблайди. Унинг ҳамкасби, мазкур университет профессори Эрик Бергольц эса одамзодни ўзга сайёраликларнинг авлоди деб қатъий ишонади. Унинг фикрича, одамлар гравитация қаршилигини, яъни Ернинг тортишиш кучини енгиш қобилиятини ўша аждодларидан мерос қилиб олишган. «Ҳамма одам ҳам уча олиши мумкин, фақат бунинг учун ўзидаги ген хотирасини уйғотиши керак. Шунда улар учун учиш худди эрталабки югуришдек одатий ҳолга айланади», – дейди олим.

Айрим тадқиқотчилар левитация ҳодисасини баъзи одамларнинг ўз вазнини қандайдир йўллар билан ниҳоятда енгиллаштира олишади, дея изоҳлашади. Учинчи тоифага мансуб изланувчилар инсон организмида уни муайян руҳий-жисмоний ҳолатларда юқорига кўтарадиган кучлар бор, деб ҳисоблашади. Аммо уларнинг ҳеч бири ҳалигача ўз нуқтаи назарини исботлай олгани йўқ.

Бир қатор тадқиқотчилар, шу жумладан россиялик олим, биология фанлари доктори, профессор Александр Дубровнинг таъкидлашича, левитация инсон миясидан тарқаладиган алоҳида, ўзига хос руҳий қувват яратадиган биогравитация майдонининг натижасидир. Бундай майдонни киши онгли равишда ҳосил қилиши мумкин, деб ҳисоблайди у.

– Бизнинг илмий марказимизда, – дейди Александр Петрович, – устида тажриба ўтказилаётган бир одамни сиз орбитага чиққан фазовий кемадасиз, дея ишонтирдик. Шунда приборлар ҳалиги кишининг вазни йўқлигини кўрсатди. Буни кўриб олимлар ўз кўзларига ишонишмасди. Ушбу ҳодисани ҳозирги замон фани ҳалигача тушунтириб бера олгани йўқ. Буни биз – мутахассислар ҳозирги замон табиий назариясига зид келадиган парапсихологик ҳодиса деб атаймиз.

Гарчи инсоннинг вазни ўзгариши билан боғлиқ руҳий ҳолатлар фанга анчадан буён маълум бўлса ҳам, илм яқин-яқинларгача левитация ҳодисасини инкор этарди. Масалан, Санкт-Петербург Ҳарбий-тиббий академияси профессори Ковалевский ўтган аср бошларида беморларни тутқаноқ тутган пайтда ва ушбу ҳолат ўтиб кетгач тарозида тортиб кўрарди. Буни қарангки, касаллик анча ўтиб кетган бўлса ва шайтонлаш ҳолати узоқ давом этса, бемор ҳатто чорак вазнини йўқотар экан. Аммо бу йўқотиш унинг ташқи кўринишида умуман сезилмаскан. Вазннинг кескин камайиши ҳолати яна бир қатор касалликларда, шу жумладан жазавага тушиш пайтида ҳам кузатилади. Хуруж ўтиб кетгач, муайян вақтдан кейин беморнинг вазни яна тикланади.

Нима бўлганда ҳам бир қатор саволлар ҳамон жавобсиз қолмоқда. Яъни миянинг қайси қисми левитация ҳолатини бошқаради? Истаган ҳар қандай киши ҳаракат қилса учиш қобилиятини юзага чиқара оладими ёки бу фақат баъзиларгагина хос хусусиятми? Парвоз қилиш сир-синоатининг тагига одамзод қачон ета олади?

**Интернет материаллари асосида**
**Бобомурод ТОШЕВ**
**тайёрлади.**

## НИМТАБАССУМ

**Болтавой бувисига деди:**
**— Буви, буви, нега Ер айланади?**
**— Вой зумраша, яна бувангнинг коньягини ичиб қўйдингми?!**

* * *

**Бир бўри иккинчисига дебди:**
**— Кеча бир отарга ҳужум қилдик. Зўр бўлди: бўрилар ҳам тўқ, қўйлар ҳам бут.**
**— Қанақасига?**
**— Шунақасига! Чўпонни едик!**

* * *

**Пиянистa дўконга келибди:**
**— Ароқларингиз «свежий»ми?**
**— Буни қандай тушуниш керак?**
**— Мана, кеча қўшни дўкондан икки шиша ароқ олиб ичувдим, мазам қочди...**

* * *

**Икки пашша шифтга қўниб турибди. Биринчиси дебди:**
**— Одамлар аҳмоқ-да!**
**— Нега?**
**— Шифтни безаш учун шу-у-нча пул сарфлашади-ю, ўзлари полда юришади.**

* * *

**Менга қара, Тошмат, нега нуқул саволга савол билан жавоб берасан?**
**— Сен нима деб ўйлайсан?!**




ISSN 2010-5355

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS: **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir o'rinbosari **Aleksandr VORGUDYAYEV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Muhabbat IBRAGIMOVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** postda08@mail.ru

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-6788. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57060 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**